УзССР Давлат китоб палатаси
24 ЯНВ 1993
Республика палата УзССР

Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

21 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА № 14 (519). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАРАФДОРЛАРИ НАФАҚАТ РЕСПУБЛИКАДА, БОШҚА МАМЛАКАТЛАРДА ҲАМ КУН САЙИН КЎПАЙМОҚДА

Якшанба куни давлатлараро «Останкино» телекомпанияси томонидан намойиш этилган «Уларни халқ сайлаган» кўрсатуви Ўзбекистон Республикасига, унинг халқига ва Президентига бағишланди. Кўрсатув ўзининг ишончлилиги, самимияти, қаҳрамонлар маънавий оламининг бойлиги ва тўлақонлиги билан ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Мазкур кўрсатув муносабати билан Россия ва Украинадан келган икки мактубда билдирилган фикрларни биз муштарийлар ҳукмига ҳавола қилишни лозим топдик.

МУҲИМИ—ЖИЛОВНИ ҚЎЛДАН ЧИҚАРМАСЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қиёсий ўхшатмасига хос нафодани топиш мушкул: аравага қўшилган отларнинг жиловини қўлдан чиқариб қўйиш ёки аравакашнинг нўноқлиги худди шу аравада ўтирганлар учун даҳшатдир.

СССР тарқади. Энди ҳар биримизнинг ўз аравамиз бор. Аммо ўн йиллар давомида шаклланган давлатлараро иқтисодий, ижтимоий алоқалар ягона энергия манбалари ва умумий хом ашё ресурслари ноиш айрим жойларда тўхтаб қолганлиги араваларни йўлдан чиқариб қўймоқда.

Ҳақиқий бозор муносабатларига ўтишни хоҳлаган раҳбарлар бир сакраб ёки кутилмаган ҳаракатлар билан иқтисодий таназзулни кучайтираётганларида фақат ўз халқларини эмас, бошқа республикаларни ҳам қийин аҳволга солиб қўяётганларини ўйлаб кўрсалар яхши бўларди.

Қанийди, улар ҳам буни Ислом Каримовдек ҳис қилиб бу йўлда у киши қилган ишлардан ибрат олсалар.

Якшанба куни намойиш қилинган «Уларни халқ сайлаган» кўрсатувини бутун оиламиз билан томоша қилдик. Ва барчамиз Ўзбекистоннинг ўз истиқбол йўли ва ўз муаммолари борлигини яхши англаб етдик. Энг муҳими, муаммолар ҳам ўзига хос йўл билан ечилмоқда экан. Биз кўрсатувдан кейин хотиним билан қуйидаги хулосага келдик: Қорабоғ, Днестрбўйи, Абхазия, Шимолий Осетия ва Ўзбекистон қўшниси Тожикистондаги қонли урушлар, фильмда эслатилган Фарғона фожеалари нима учун Ўзбекистонда содир бўлмади?

Кўрсатув муаллифлари Марина Точилина ва Мухтор Ғаниев билан суҳбатда Ислом Каримов Фарғона воқеалари кунларида отга миниб жунбушга келган халққа мурожаат қилганлигини ва уни тинчлантирганлигини ўзи билмаган ҳолда гапириб юборди. Бу эпизод биз учун номаълум эди. Бу нарса Оқ уй ёнида БТР устига чиқиб халққа қаҳрамонона мурожаат қилган ҳурматли Борис Николаевич Елцинни эслатади. Ўша пайтда Каримовдан Елцинникидан кам бўлмаган жасорат талаб қилинганлигини биз яхши биламиз.

Албатта, шахсий жасорат, инсоний қаҳрамонлик сиёсатда ҳар хил нуқтаи-назар билан ўлчанади.

Собиқ СССРнинг собиқ Президенти Михаил Горбачевга жасурлик етишганида у Қорабоғ можаросини аввал бошданоқ адолатли ҳал қилган бўлур эди. Ва бу нарса ҳозирги кундаги кўплаб «оловли нуқталарга» чек қўйган бўлур эди. Оддий меҳнаткаш одамга инсонларнинг бир-бирини ўлдириши ва минглаб одамларнинг шундоқ кўз ўнгимизда инсоний қиёфаларини йўқотишлари мутлақо тушунарсиздир. Наҳотки, шу нарса демократия бўлса? Ахир, «демос» дегани халқ деган маънони билдирмайдими?

Ислом Каримовда Фарғона можаросининг олдини олишга ўз вақтида жасорат ҳам, билимдонлик ҳам етишди. Эндиликда унинг бу жасорати ва донишмандлиги «ёрқин капитализм орқасидан қувиб» бозорга ўтиш эпидемиясидан халос бўлишга ва режали асосда бозор муносабатларига қадам-бақадам ўтишга қаратилган. Бу ҳақда Президентнинг ўзи ишонарли сўзлаб берди. Иккинчидан, ўтган йилларда икки марта Андижон ва Тошкентда хизмат сафарида бўлиб, бизнинг ҳаётимиздан кўра яхшироқ бўлган турмушни ўз кўзим билан кўрдим. Соғлом маънавий иқлим, асосий нарсаларнинг етарлиги, руҳий парокандаликнинг йўқлиги Ўзбекистон учун характерли хусусият бўлиб қолмоқда.

Ҳаётдаги ана шундай эзгуликлар ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилган журналистларнинг борлиги ҳам кишини қувонтиради. Раҳмат Сизга, Президент Каримов. Сизнинг якшанба кунидаги чиқишингиз Ўзбекистондан узоқда яшовчилар юрагида ҳам умид ва ишонч уйғотди.

В. ЧАЛКОВ,
Новосибирск қишлоқ хўжалиги институтининг ходими.

ЭЗГУЛИК ҚОЯСИ

Умр йўлдошим кўзларимдаги ёшни кўриб, «Сенга нима бўлди!» деб сўради. Кўнглим тўлиб унга биринчи марта Олмалиқдаги туғилиб ўсган уйим ҳақида гапириб бердим.

Якшанба куни телеэкран орқали кўрсатилган «Уларни халқ сайлаган» кўрсатувида ўша мен туғилган маҳаллани ҳам кўрсатишди. Биз қандай яшаган бўлсак, ҳозир ҳам у ерда ўзбеклар, руслар, татарлар, яҳудийлар биргаликда аҳил яшашмоқда. Ҳовлимизнинг ўзига хос бекаси ҳисобланган (балки у ҳозир ҳам тирикдир) Валя хола ёдимга тушди. Умуман, «Уларни халқ сайлаган» кўрсатувида ёшлигимни эслатувчи, юракка тегадиган лаҳзалар жуда ҳам кўп.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳокимият тепасига келган пайтда мен Тошкент педагогика институтини битириб, турмушга чиқиб, эрим билан Украинага кетган эдик. Ўзбекистонга тез-тез келиб турсам-да, аммо телекўрсатув мен учун бу қадим тупроқ билан биринчи бор ҳақиқий танишувга айланди. Бу тупроқ оддий, ёқимли, чеҳрасида доимий табассум билан кўз ўнгимда намоён бўлди. Ўзбекистон Президентининг чуқур билими ва юксак интеллектини сезиш қийин эмас. Бу кўрсатувдан олган энг катта таассуротим — Ислом Каримовдаги эзгуликнинг кучлилигидадир. У ўзини ана шундай юқори лавозимга сайлаган халқига ва барчага ёниқ бир эзгулик истовчи инсон сифатида намоён бўлди.

Осойишта меҳнатлари билан ўз бахтини яратишига интилган халққа ҳалқит берувчиларга қарши қаттиққўл бўлган бу инсон худди ана шу жиҳати билан одамларга яхшилик, эзгулик тиламоқда. Ислом Абдуғаниевич қаттиққўл ва бир сўзли эканлигини телеэкран орқали ўзи ҳам эътироф этди. Ҳамма жойда бўлганидек, балки Ўзбекистонда ҳам Каримовнинг мухолифлари бордир. Балки бошбошдоқлик ва анархияни истовчилар истаганча топилар, аммо одамлар бу нарса нимага олиб келишини қўшнилар тажрибасида ўз кўзлари билан кўрдилар. Шу боис бўлса керак, Ўзбекистон Президентининг тарафдорлари фақатгина республика ҳудудидагина эмас, бошқа жойларда ҳам тобора кўпайиб бормоқда.

Мен Ўзбекистонни қанчалик севмай, барибир энди бу юртга қайтмасам керак. Днепропетровскда оилам, уй-жойим, ишим бор. Бу мактубимда телекўрсатув қаҳрамонлари бўлмиш Президентдан тортиб, ҳақиқий меҳнат ва ишбилармонлик йўлига ўтган ака-укаларнинг ишонч билан олдинга интилаётганлари менинг ҳайратга солганлигини яшириб ўтирмайман.

Ушбу кўрсатувнинг умумий руҳи пафос ва лирик ҳис-туйғулар билан суғорилганлиги, суҳбатлардаги самимият кишини ўзига ром этади. Мен бундай кўрсатувни кўпдан бери кўрмаган эдим.

О. САЧКО,
педагог, Днепропетровск шаҳри.



САМАРҚАНД ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Қўҳна ва навқирон Самарқанд кундан-кунга чирой очаётир. Унинг бағрида муҳташам бинолар қад кўтармоқда. Шунисн характерлики, бунёдкорлик учун сарфланаётган маблағлар асосан маҳаллий жамғармалар зиммасига тушаётир.

СУРАТЛАРДА:
1. Шу йилнинг бошида ишга туширилган темирйўл вокзалининг янги бинои. У бир сменада ярим миллионга яқин йўловчига хизмат кўрсатади.
2. Бозор иқтисодиётининг қийин шароитида ҳам Самарқанд уйсозлик комбинати мана бундай улкан уй-жойлар барпо этаётир.

В. ТИМЧЕНКО олган суратлар.

Қуёшинг порласин энди, тўлиб оқсин Сиру Амулар

Мен яқинда Саудия Арабистонидан ватандошимиз Аҳмад Али Туркистонийдан мактуб олдим. Гарчанд у жаноб билан кўришган бўлмасам-да, мактубларни ўқиб, худди эски қадрдонимдан мужда олгандек қувондим. У киши мактубга, шунингдек, бир шеърини ҳам илова қилибдилар. Ушбу саломнома гарчи айрим шахсга йўлланган бўлса ҳам, бироқ унинг мазмуни ва руҳиятида озод Ўзбекистонимизга меҳр, Президентимизга ҳурмат-эътиром туйғуларн барқ уриб турибди.

Аҳмад Али Туркистоний жанобларининг мактуби ва шеърини матбуотда чоп этишга қарор қилдим. Қолаверса, у киши мактубларида «...ўша шеъримни... агар бирорки ҳатоси бўлса, тузатиб, тўпламларингиз орасига қўшишингизни умид этаман» дебдилар.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

АБДУЛЛА ОРИФ ЖАНОБЛАРИГА!

Улуғ тангрига шукрлар бўлсинким, биз ҳаммамиз сиҳату саломат бўлиб, жанобларининг соғ ва саломат юрмоқларини парвардигордан тилаб қолмоқдамиз. Жаноб устоз, сиз билан Ўзбекистон телевиденнеси орқали танишиш шарафига нойил бўлганлардан мухлисингиз Аҳмад Али Туркистонийдурман. Жанобингизга кўп ихлосим бор. Алло таоло сизга узун умр ато этсин.

Ватанимиз Туркистон кўп узоқ замонлардан бери асорат остида қолиб, мана энди юракларда орзу-армон бўлган истиқлолимиз муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов сардорлиги орқасида, сизларга ўхшаш бу-килмас иродали кишилар туфайли эълон қилинди. Илоҳим, бу мустақиллик абадий бўлсин, омин!

Абдулла Ориф жаноблари, мустақиллигимизнинг бир ёшга тўлиши муносабати ила ўтказилган байрамга бориш орзусида бир шеър ҳозирлаган эрдим, бахтга қарши Ўзбекистонга бориш насиб бўлмади. Мана ўша шеъримни жанобингизга юбормоқ шарафидаман. Агар бирорки хатоси бўлса, тузатиб, тўпламларингиз орасига қўшишингизни умид этаман.

Сизнинг мухлисингиз Аҳмад Али Туркистоний.

ЮРТИМИЗ ИСТИҚЛОЛИГА СОВҒА

Кишанлар парчаланди Мустақил бўлдинг,
эй Туркистон,
Муборак бўлсин эй халқим, ғўзал юртим,
эй Туркистон,
Улуғлар руҳлари шоду даштида лола гул очди,
Жаҳон бор бўлгунча ҳур бўлгин Темурнинг юрти
Туркистон.
Муқаддас она еримсан, сени кўрмоққа орт ичдик,
Шарафсан, азизсан ҳам ғуруримсан шонли Туркистон.
Қуёшинг порласин энди, тўлиб оқсин Сиру Амулар,
Оролинг тўлсину тошсин муборак ўлкам,
эй Туркистон.
Юракдан ёлворай, ё раб, мурод қил ўлка бирлашсин,
Улус тарихига боғлиқ қурилсин бир улуғ Туркистон.

Аҳмад Али ТУРКИСТОНИЙ,
31.08.1992 йил.

ЎЗБЕКИСТОН Ватаним маним

«ХАЛҚ СЎЗИ» МУХБИРЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАРЛАРИДАН

ИШЛАСА БЎЛАРКАН-КУ

● ЗАРАФШОН шаҳрида айрим шахслар нақонуний сақлаётган 15 та ўқ отувчи қурол, салкам 5 кило қора дори, қўлбола арақ тайёрлайдиган 4 та қурилма ва хомашё мусодара қилинди.

ШАҲАР ва вилоят ички ишлар бошқармаларининг бир гуруҳ ходимлари уч кун биргаликда ишлашди. Шу кунлари шаҳарда қайд этилган барча жиноий ишлар очилди. Ишласа бўларкан-ку.

НАСИЯНИ ЎҒРИ ЧИҚАРГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС-ДА

● БУХОРО районидаги Усмон Юсупов номли жамоа хўжалиги аъзолари савдо ходимларининг «фрид йўқ» деган гапларига чиппа-чин ишонишибди.

ҚИШЛОҚ аҳолисига хизмат кўрсатадиган «Наврўз» матлубот жамиятининг 5-, 9-, 27-магазинларида ўсимлик ёғи охирги марта ўтган йилнинг 4 августида, чой эса март ойида сотилган экан. Вилоят давлат назорати бошқармаси текширув ўтказгач, савдо ходимларининг пайтавасига қурт тушиб қолди. Айтишларича, жамоа раиси Р. Ғиёсов «хатолардан тегишли хулоса чиқаришни» ваъда қилибди.

ЖЎЖАНИ ҚИШДА ЭМАС, КУЗДА САНАШАДИ

● НАМАНГАН вилоятидаги паррандачилик фабрикаларида кузин кутиб ўтирмай, жўжаларни айни қишда санашганди, паррандалар 30 фоиз камайиб кетганлиги маълум бўлди.

ҲАТТО, Наманган районидаги фабрика билан Уйчидаги товуқ гўшти етиштирадиган корхона бекитиб қўйилди. Мана энди бу фабрикаларда парҳез маҳсулот тайёрлашни қандай йўлга қўйиш эмас, қандай қилиб хонатлас ишлаб чиқариш муҳокама этилаяпти. Масала узил-кесил ҳал қилинмаган бўлса-да, уйчилик паррандабоқарлар дастгоҳларнинг бир қисмини олишди.

ҚИММАТБАҲО ДОРИЛАРНИ ИЗЛАШГА ҚАНОАТ ЙЎҚ

● САМАРҚАНД тиббиёт олий илмгоҳи олимлари беморларни даволашда лазеротерапия усулини қўллашяпти.

БУ ИШГА асосан лазер физикаси илмий-тадқиқот институти ҳамда «Дилог — Сибирь» Россия — Америка қўшма корхонаси мутахассислари билан ҳамкорлик йўлга қўйилгандан сўнг киришилди. Энг муҳими муолажа жараёнида бемор оғриқ сезмайди. Шифокор-олимларнинг таъкидлашича, лазер нури инсон танасига салбий таъсир этмас экан. Ҳозирги оғир иқтисодий шароитда беморларнинг тақчил, қимматбаҳо дори-дармонларни излашларига ҳожат қолмайди.

УЧ СЎМЛИК ҚУРУҚ ГАП

● КИТОБ — Қаршн — Бухоро йўналишида поезд қатнай бошлади.

ҚАРШИ темир йўл вокзали кассалари ёнида Бухорога патта олиш учун навбатга турганларнинг кети кўринмайди. Патта сотувчи опа эса брон, буюртма, комиссион тўлов, яна ул-булга деб сўраётган қўшимча пул салкам патта нархига тенглашиб қолаяпти. Яқинда маълумотлар бюроси ойнасида «Маълумот учун 3 сўм тўланг» деган ёзув пайдо бўлди. Ё пирай, энди бозор иқтисоди баҳона икки оғиз қуруқ гапни ҳам сотиб оламиз шекилли.

ВОДИЙДА ЭТНОГРАФИК КЎРГАЗМА

● ФАРҒОНА ўлкашунослик музейида водийда яшовчи корейс халқи ҳаёти ва меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи этнографик кўргазма очилди.

НАМОЙИШ этилаётган фотосуратлар, мусаввирларнинг ранг-баранг асарлари, миллий либослар, уй-рўзғор ва меҳнат анжомлари томошабинларда бу қадимий халқнинг турмуш тарзи, маданияти ҳақида ёрқин тасаввур уйғотади.

ЁҚИЛҒИ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ДАРКОР ЭМАС

● РИШТОНДАГИ «Довуд» кичик корхонаси усталари отарава ясашга киришдилар.

МАШИНА-ТРАКТОРларнинг ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлари тақчиллашиб бораётган бугунги кунда бу араваларнинг бозори чаққон. Энди улар фуқаролар ва фермер хўжалиги эгаларининг юмушлари учун энг қулай уловлигига кўпчилик ишонаяпти.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ГАРОВ ТЎҒРИСИДА

I БУЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Гаров тушунчаси

1. Гаров мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларидан бири ҳисобланади.

2. Гаров туфайли кредитор (гаровга олувчи) қарздор мажбуриятларни бажармаган тақдирда гаровга қўювчи гаровга қўйган мол-мулк қийматидан таъминланиш ҳуқуқига эгадир.

3. Қонун бўйича ҳақиқий бўлмаган ҳар қандай мажбуриятнинг: заём (банк берадиган қарз, ижара, олди-сотди, юкларни ташиш ва ҳуқуқнинг ҳар қандай субъектлари (жисмоний ва юридик шахслар, давлат) ўртасидаги бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши гаров билан таъминланиши мумкин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг гаров тўғрисидаги қонунлари

1. Гаров тўғрисидаги асосий қоидалар ушбу Қонун билан белгилаб қўйилади.

2. Қорақалпоғистон Республикасида гаров билан боғлиқ муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

3. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида гаров тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

3-модда. Гаровнинг юзага келиш сабаблари

1. Гаров шартнома ёки қонун ҳужжатлари туфайли юзага келади.

2. Гаровнинг юзага келишини назарда тутувчи қонун ҳужжатида қандай мажбурият туфайли ва айнан қайси мол-мулк гаровда турган деб эътироф этилиши лозимлиги қайд қилинган бўлиши лозим.

4-модда. Гаров нарсаси

1. Ашёлар, қимматбаҳо қоғозлар, пул маблағлари, бошқа мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлар гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Шахсий хусусиятга эга бўлган талаблар, шунингдек гаровга қўйилиши қонун билан тақиқлаб қўйилган бошқа талаблар гаров нарсаси бўлиши мумкин эмас.

2. Гаров ҳуқуқи келгусида гаровга қўювчининг эгалигига (тўлиқ хўжалик тасарруфига ёки бевосита бошқарувига)ўтадиган мол-мулкка нисбатан шартнома билан татбиқ этилиши мумкин.

3. Башарти, шартномада ёки қонунларда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мол-мулкка нисбатан гаров ҳуқуқи мол-мулкнинг ашёларини ҳам, таркибий самарасини ҳам ўз ичига олади. Мол-мулкка нисбатан гаров ҳуқуқи шартномада ёки қонунларда назарда тутилган ҳолларда, доирада ва тартибда ажратиб бўладиган самарани, бўлғуси ҳосилни, чорва моллар наслини, буюм келтирадиган даромадларни ўз ичига олиши мумкин.

4. Тарихий, маданий ёки ўзга қиммати туфайли ёхуд давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан гаров қўлланилиши мумкин бўлмаган объектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади.

5-модда. Гаров билан таъминланадиган талаблар

1. Башарти, шартномада ёки қонунларда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, гаров ҳақиқатда қондириш пайтида бўлган ҳажмдаги талабни қондиради, фоизлар, ижрони кечиктириб юбориш оқибатида етказилган зарарларни қоплаш, неустойкани (жаримани, пеняни), жарималарни тўлаш, гаровга қўйилган мол-мулкни сақлаб туришга кетадиган зарур чиқимлар, шунингдек ундириб олиш билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш шулар жумласига киради.

2. Гаров келгусида пайдо бўлувчи талабларга нисбатан ҳам, башарти, томонлар бундай талабларнинг гаров билан таъминланиш миқдори тўғрисида келишиб олсалар, белгиланиши мумкин.

6-модда. Умумий мулк бўлган мол-мулкни гаровга қўйиш

1. Ўртадаги умумий мол-мулк фақат барча мулкдорларнинг розилиги билан гаровга қўйилиши мумкин.

2. Мулкдорнинг умумий ҳиссабай мулкдаги ўз улушини гаровга қўйиши қолган мулк эгаларининг розилик беришини талаб қилмайди.

7-модда. Гаров нарсасининг тасодифан нобуд бўлиш хавфи

Башарти, шартномада ёки қонунларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўйилган мол-мулкнинг эгаси (тўлиқ хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқарув ҳуқуқи субъекти) нарса тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан ишдан чиқиши хавфини ўз зиммасига олади.

8-модда. Гаровга қўювчи ва гаровга олувчи

1. Юридик ёки жисмоний шахслар гаровга қўювчи ёки гаровга олувчи бўлишлари мумкин.

2. Қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс (мулкий кафил) ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Гаровга қўювчи гаровга берилаётган мол-мулкка эгалик (тўлиқ хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқарув) ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Мол-мулк тўлиқ хўжалик тасарруфи ҳуқуқи билан бириктиб қўйилган корхона шу мол-мулк эгасининг ёки у ваколат берган идоранинг розилиги билан умуман корхонанинг, мулкий мажмуалар сифатида унинг тузилмалари ва бўлинмаларининг, шунингдек алоҳида бинолар ва иншоотларнинг гаровини амалга оширади.

Ўзига бириктиб қўйилган мол-мулкни бевосита идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган муассаса (ташкилот) ўзига рухсат этилган хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар ҳисобига орттирилган ашёлар ёки ҳуқуқларни гаровга беришга ҳақлидир.

Эгалик ҳуқуқининг кейинги субъектга ўтиши тўлиқ хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқаруви остидаги мол-мулк гаровига дахл қилмайди.

3. Ҳуқуқларни гаровга қўйишда шу ҳуқуқларга эга бўлган шахс гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Бир нечта шахсга биргаликда тегишли бўлган ҳуқуқ уларнинг барча эгаларининг розилиги билангина гаровга қўйилиши мумкин.

Ижарачи ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ижарага берувчининг розилигисиз ўзининг ижарага оид ҳуқуқларини гаровга ўтказишга ҳақлидир.

4. Бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар, қонунларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга доир муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан айни бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар ҳамда айни бир хил мажбуриятларга эга бўладилар.

9-модда. Гаров нарсасини суғурта қилиш

1. Қонун ва шартнома гаровга олувчининг зиммасига унинг тасарруфига берилган гаровдаги мол-мулкни суғурта қилиш мажбуриятини юклаши мумкин, агар ушбу мол-мулк унинг эгаси томонидан суғурталанмаган бўлса.

Гаровга қўювчининг фойдаланишда қоладиган гаровдаги мол-мулкни суғурта қилиш унинг ўзига юкланади.

2. Шартнома ёки қонунлар билан гаровга қўювчи зиммасига давлат идоралари томонидан унинг хўжалик фаолиятини тўхтатиб қўювчи ёхуд унга халақит қилувчи ёки унга салбий таъсир этувчи хатти-ҳаракатлар содир этилиши ва ҳужжатлар қабул қилиниши (мол-мулкни мусодара, риквизиция қилиш), шунингдек тугатилиши ёки хўжалик субъекти тўлов қобилиятини йўқотган деб эътироф этилиши ҳолларидан суғурта қилиш мажбурияти юкланиши мумкин.

3. Гаровдаги мол-мулкни суғурта қилишда гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбурият суммасигача бўлган суғурта пули суммасини олувчи деб кўрсатилади. Гаровга қўювчи суғурта пулининг қолдиқ суммасини олади.

Суғурта ҳоллари содир бўлганида гаровга олувчи ўз талаблари суғурта пули суммасидан имтиёзли қондирилиши ҳуқуқига эга бўлади.

10-модда. Гаров шартномасининг мазмуни

Гаров шартномасида томонларнинг номи, жойлашган манзили (истиқомат жойи), гаров тури, гаров билан таъминланган талабнинг моҳияти, унинг миқдори, мажбуриятни ижро этиш муддатлари, гаровдаги мол-мулкнинг рўйхати, қиймати ва турган жойи, шунингдек томонларнинг келишувига эришилган бошқа маълумотлар кўрсатилган бўлиши зарур.

11-модда. Гаров шартномасининг шакли

1. Гаров шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда гаров шартномаси нотариал йўл билан тасдиқланиши ва шундай рўйхатни юритувчи давлат идорасида қайд этилиши зарур.

2. Кўчмас мулк ва унга бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш шартномалари, шунингдек муомаладаги ва қайта ишловдаги молларни гаровга қўйиш нотариал йўл билан албатта тасдиқланиши ҳамда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Қонунларда гаров шартномаларини нотариал йўл билан тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишнинг бошқа ҳоллари назарда тутилиши мумкин.

3. Башарти, шартномада назарда тутилган бўлса, нотариал идора гаров тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш билан бир пайтда гаров нарсасини тасарруфдан чиқаришни тақиқлаб қўяди.

4. Гаров шарти, гаров билан таъминланган мажбурият юзага келувчи шартномага киритилиши мумкин. Бундай шартнома ушбу Қонунда белгиланган тартибда нотариал йўл билан тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши лозим.

5. Гаров тўғрисидаги шартнома шаклига, уни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартибига риоя этилмаган ҳолларда шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

12-модда. Гаровнинг вужудга келиш пайти

Гаров гаров шартномаси имзоланган пайтдан эътиборан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган ҳолларда эса, шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Агар шартномага ёки қонунларга мувофиқ гаров нарсаси гаровга олувчида туриши лозим бўлса, гаров ҳуқуқи унга гаров нарсаси берилган пайтда, агар гаров нарсаси шартнома имзолангунга қадар берилган бўлса, шартнома имзоланган пайтда вужудга келади.

13-модда. Гаров нарсаси учинчи шахсларга ўтганида гаровнинг сақланиши

Гаров нарсасига бўлган мулкий ҳуқуқ (тўлиқ хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқаруви) гаровга қўювчидан учинчи шахсга ўтган тақдирда гаров ўз кучини сақлайди.

14-модда. Навбатдаги гаровлар

1. Агар гаров шартномасида ўзга қоида назарда тутилмаган бўлса, такрорий ва кейинги гаровларга йўл қўйилади. Бу ҳолда аввалги гаровга олувчининг (аввалги гаровга олувчиларнинг) гарови ўз кучини сақлаб қолади.

2. Гаров ҳуқуқи кейинроқ вужудга келадиган гаровга олувчининг талаби аввалги гаровга олувчиларнинг талаблари тўлиқ бажо этилганидан кейин қондирилади.

3. Гаровга қўювчи ҳар бир гаровга олувчига барча аввалги ва кейинги гаровлар ҳақида, шунингдек бу гаровлар билан таъминланган мажбуриятларнинг хусусияти ва миқдори ҳақида маълум қилиши шарт. Гаровга қўювчи гаровга олувчиларидан ҳар бирида у бу мажбуриятни бажармаслиги оқибатида пайдо бўладиган зарарни қоплаши шарт.

15-модда. Кредитор талабларининг учинчи шахс томонидан қондирилиши оқибатлари

Кредитор талабларини тўлиқ ҳажмда қондирган учинчи шахсга талаб қилиш ҳуқуқини таъминлаган гаров ҳам ўтади.

16-модда. Депозитга пул ўтказиш йўли билан гаровни тўхтатиш

Гаровга олувчи гаров билан таъминланган пул мажбурияти ижросини қабул қилишдан воз кечганида тегишли пул нотариал идора ёки банкнинг депозитига ўтказилади. Депозитга ўтказилган пул қарзни тўлиқ қопласа, гаров шартномаси ўз кучини йўқотади.

17-модда. Учинчи шахс (мулкий кафил)нинг гаров хуни билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилмаслиги оқибатлари

1. Қарздор томонидан кредитор олдидаги мажбурият бажарилмаган тақдирда, қарздорнинг мажбуриятини таъминлашга гаров берган учинчи шахс (мулкий кафил) ундирувнинг гаровга қўйилган нарсага қаратилишидан сақланиш мақсадида бу мажбуриятни бажаришга ҳақлидир.

2. Ундириш гаров нарсасига уни сотиш йўли билан қаратилган тақдирда мулкий кафил қарздордан унинг қийматини ва кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

18-мода. Ундирувнинг гаровга қўйилган нарсага қаратилиши

1. Агар шартномада ёки қонунларда ундирувнинг гаровга қўйилган нарсага мажбурий қаратилишига йўл қўйилмайдиган имтиёзли муддат белгиланмаган бўлса, гаровга олувчи асосий мажбурият бўйича талаб муддати бошланган пайтда ундирувни гаровга қўйилган нарсага қаратиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Агар шартномада ёки, қонунларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бир қисмини бажарган тақдирда гаровга олувчи гаровга қўйилган бор мол-мулкка бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

Агар бир нечта ашё ёки ҳуқуқ гаров нарсаси бўлса, гаровга олувчи ана шу барча мол-мулк ҳисобига ёки ашёлар (ҳуқуқлар)дан бирортаси ҳисобига талабини қондириши мумкин, бунда кейинчалик гаров нарсасини ташкил этувчи бошқа ашёлар (ҳуқуқлар) ҳисобига талабини қондириш имконини сақлаб қолади.

19-модда. Ундирувни гаровга қўйилган нарсага қаратиш тартиби

1. Агар қонунда ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда кредитор талабини гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан қондириш суд, хўжалик суди ёки холислар судининг қарорига биноан амалга оширилади.

Қонунларда назарда тутилган ҳолларда ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш нотариус ижро этиш ёзуви асосида муқаррар тартибда амалга оширилади.

Агар қонун ҳужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаров нарсасини сотиш суд ижрочиси томонидан суд берган ижро варақаси ёхуд хўжалик судининг буйруғи ёки нотариуснинг ижро этиш ёзуви асосида қонунларда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Гаров нарсасини сотиш кимошди савдоси (очиқ савдо) ёки воситачилик дўконлари орқали амалга оширилади.

2. Ундирув гаровга қўйилган нарсага қаратилганда гаровга олувчининг талаби бошқа кредиторларга нисбатан имтиёзли тарзда қондирилади, Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

3. Агар гаров нарсасини сотишдан тушган пул гаров олувчининг талабларини қоплашга камлик қилса, шартномада ёки қонунларда ўзгача қоидалар йўқ бўлган тақдирда етишмаётган пулни гаров олувчи қарздорнинг бошқа мол-мулкидан қонунларда назарда тутилган навбат билан олиш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Агар гаров нарсасини сотишдан тушган пул кредиторнинг гаров билан таъминланган мажбурият бўйича талаблари миқдоридан ортиқ бўлса, кредитор бир ойлик муддат ичида қарздорга фарқни тўлаши шарт.

20-модда. Гаров нарсасининг гаровга олувчи томонидан мустақил равишда сотилиши

1. Гаровга олувчи гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган ҳолларда гаровда турган мол-мулкни мустақил равишда сотишга ҳақлидир.

2. Гаровга қўювчи мол-мулкни қасддан арзон баҳода сотганлиги учун жавоб бериши тўғрисида гаровга олувчи олдига талаб қўйишга ҳақлидир. Гаров нарсасини воситачилик асосида, бозорда ёки кимошди савдосида сотиш гаровга олувчининг арзон баҳода сотганликда айби йўқлигининг шартидир.

21-модда. Амалга ошмаган кимошди савдоси (очиқ савдо) оқибатлари

1. Агар кимошди савдоси (очиқ савдо) амалга ошмаган деб эълон қилинган бўлса, гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулкни ушбу Қонуннинг 19-моддасида назарда тутилган оқибатлар билан дастлабки баҳосида ўзида қолдиришга ҳақлидир.

2. Кимошди савдоси (очиқ савдо) амалга ошмаган деб эълон қилиниши оқибатида гаровга олувчи гаров нарсасини ўзида қолдирган ҳолларда, у қонунларга мувофиқ ўз талабларига нисбатан устунликка эга бўлган даъволарни қондириши шарт. Бундай ҳолларда гаровга олувчининг жавобгарлиги бу мол-мулкнинг кимошди савдоси (очиқ савдо) учун белгиланган дастлабки баҳосидан ошмаслиги лозим.

22-модда. Гаров ҳуқуқини тўхтатиш

Гаров ҳуқуқи:

а) гаров билан таъминланган мажбурият ижро этилганда;

б) гаровга қўйилган мол-мулк нобуд бўлганда;

в) гаров нарсасига бўлган ҳуқуқ гаровга олувчига ўтганида;

г) гаровга қўйилган мол-мулк мажбуран сотилганда;

д) даъво муддати ўтиб кетганлиги оқибатида гаров билан таъминланган мажбурият бўйича кредиторнинг ўз талаблари қаноатлантирилиши мумкин бўлмаганда;

е) гаров нарсасини ташкил этувчи ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганда;

ж) Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатилади.

23-модда. Юридик шахс — гаровга қўювчининг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши оқибатлари

Юридик шахс — гаровга қўювчи қайта ташкил этилган ёки тугатилганда гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати бошланишидан қатъи назар, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш ҳуқуқига эга бўлади.

II БУЛИМ. ГАРОВГА ҚУЙИЛГАН МОЛ-МУЛКНИ ГАРОВГА ОЛУВЧИГА БЕРИБ ҚУЙИЛАДИГАН ГАРОВ (ЗАКАЛАТ)

24-модда. Закалат тушунчаси

1. Закалат — кўчар мол-мулкнинг гаровидир, бунда гаров нарсасини ташкил этувчи ашё гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчи ихтиёрига берилади.

2. Кредиторнинг гаровга қўювчи билан келишувига биноан гаров нарсаси гаровга қўювчи ихтиёрида қулфланган ва гаровга олувчининг муҳри босилган ҳолда (ишончли гаров) қолдирилиши мумкин. Алоҳида белгиланган ашё гаров тўғрисида далолат берувчи белгилар қўйилган ҳолда гаровга қўювчи ихтиёрида қолдирилиши мумкин.

25-модда. Закалат қўйилганда гаровга олувчининг ҳуқуқлари

1. Гаровга олувчи гаров нарсасидан шартномада ёки қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина фойдаланиш ҳуқуқига эга. У гаров нарсасидан фойдаланишда эга бўлган мулкий фойда биринчи навбатда ашёни сақлаш билан боғлиқ чиқимларни қоплашга сарфланади ёки гаров билан таъминланган мажбурият фоизларини ёхуд мажбуриятнинг ўзини узиш ҳисобига ўтказилади.

2. Гаровга олувчи мажбурият тўлиқ бажарилгунга қадар ашёни ушлаб туришга ҳақлидир.

3. Гаровга олувчининг айби бўлмагани ҳолда гаров нарсаси нобуд бўлиши, шикастланиши ёки қиймати пасайиши хавфи пайдо бўлган тақдирда, у бундай нарсани алмаштиришни талаб қилишга, қарздор бу талабни бажаришни рад этган тақдирда эса ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка муддатидан илгари қаратишга ҳақлидир. Тушган пул, агар шартномада ёки қонунларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, нотариал идора ёки банк депозитига қўйилади ва гаров нарсаси бўлиб хизмат қилади.

4. Агар гаров билан таъминланган талаб бажарилиши оқибатида гаров тўхтатилса, гаровга олувчида турган гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчига қайтариб берилиши ёки унинг кўрсатмасига биноан гаров ҳуқуқи пайдо бўлиши вақтига кўра кейинги гаровга олувчига берилиши лозим.

26-модда. Закалат қўйилганда гаровга олувчининг мажбуриятлари

Агар шартномада ёки қонунда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчи:

а) закалат нарсасини ёки шартномада назарда тутилган нарсани сақлаб қолиш учун зарур чораларни кўриши;

б) шартномада назарда тутилган ҳолларда гаровга қўювчининг манфаатларини кўзлаб гаровга қўйилган ашёдан даромад чиқариб олиши;

в) гаров нарсасининг нобуд бўлиши ёки шикастланиши хавфи пайдо бўлганида зудлик билан гаровга қўювчига хабар қилиши;

г) қарздор ёки учинчи шахс мажбуриятни бажарганидан кейин гаров нарсасини дарҳол қайтариб бериши;

д) ашёга — гаров нарсасига эгалик қилиш билан боғлиқ солиқлар ва йиғимларни гаровга қўювчи ҳисобидан тўлаши шарт.

27-модда. Закалат билан таъминланган мажбуриятни муддатидан олдин бажариш имконияти

Агар гаровга олувчи закалат нарсасини лозим даражада сақламаётган ёки ундан фойдаланмаётган бўлса, гаровга қўювчи исталган пайтда гаровни тўхтатишни талаб қилишга ёхуд закалат билан таъминланган мажбуриятни муддатидан олдин бажаришга ҳақлидир.

28-модда. Гаровга олувчининг гаров нарсаси йўқолгани, етишмаслиги ёки шикастлангани учун жавобгарлиги

1. Гаровга олувчи, агар йўқотиш, камомад ёки шикастланиш унинг айби бўлмагани ҳолда содир бўлганини исботлай олмаса, гаров нарсасининг йўқолгани, етишмаслиги ёки шикастлангани учун жавоб беради.

Агар гаровхона ёки мол-мулк закалати учун қарз бериш фаолият соҳаси ҳисобланувчи бошқа ташкилот гаровга олувчи бўлса, гаровга олувчи гаров нарсасининг йўқолиши, камомади ёки шикастланиши бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар таъсиридан, қасд қилиш ёки гаровга қўювчининг ўта эҳтиётсизлиги оқибатида содир бўлганини исботлаган тақдирдагина жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

2. Гаровга олувчи закалат чоғида закалат нарсаси йўқолгани ва камомади учун йўқолган (етишмаган) нарсанинг қиймати миқдорида, закалат нарсаси шикастлангани учун эса қўйилган ашёнинг қиймати қанчага пасайган бўлса, шунча сумма миқдорида жавобгар бўлади. Агар ашёни закалатга қабул қилиб олишда закалат нарсаси баҳоланган бўлса, гаровга олувчининг жавобгарлиги кўрсатилган баҳодан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Гаровга олувчи закалат нарсаси йўқолгани, камомади ёки шикастланиши туфайли кўрилган зарарни, агар бу қонунларда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, гаровга қўювчига тўлиқ ҳажмда қоплаши шарт.

29-модда. Мол-мулкни гаровхонада ва гаровхона юмушларини амалга оширувчи ташкилотларда закалатга қўйиш

1. Мол-мулкни гаровхонада ёки фуқароларга гаров эвазига пул қарз бериш хўжалик (тадбиркорлик) фаолияти тури ҳисобланувчи ўзга корхона (ташкилот)да гаровга қўйиш шартномаси икки томон имзолайдиган эгасининг номи ёзилган гаров гувоҳномасини бериш йўли билан расмийлаштирилади ва мажбурий рўйхатдан ўтказилмайди.

2. Гаровхона (гаровхона юмушларини амалга оширувчи ўзга корхона) гаровга олинган мол-мулкни гаровга қўювчи ҳисобидан мол-мулкни гаровга қабул қилиб олишда қўйилган баҳода суғурта қилиши шарт.

3. Гаров билан таъминланган қарз ўз муддатида узилмаган тақдирда, гаровхона (ўзга корхона) имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин бу мол-мулкни воситачилик дўкони орқали ҳақиқий қиймати бўйича, лекин белгиланганидан кам бўлмаган баҳода сотишга ҳақлидир. Тушган пулнинг қарзлар ва бошқа чиқимлар қопланганидан кейин (5-модданинг 1-банди) қолган қисми гаровга қўювчига қайтарилади.

III БУЛИМ. МОЛ-МУЛК ГАРОВГА ҚУЮВЧИДА ҚОЛДИРИЛАДИГАН ГАРОВ

1 БОБ. УМУМИЙ МАСАЛАЛАР

30-модда. Гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаров нарсаси

1. Корхоналар, бинолар, иншоотлар, квартиралар, транспорт воситалари ва ушбу Қонуннинг 4-моддасида уқтириб ўтилган бошқа мол-мулк гаровга қўйилган мол-мулкни гаровга қўювчида қолдириладиган гаров нарсаси бўлиши мумкин.

2. Бўлакларга ажраладиган самара, агар у ажралиш чоғидан бошлаб учинчи шахс ҳуқуқлари объектига айланмаган тақдирда, ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган гаров нарсаси бўлиши мумкин.

3. Гаровга қўювчи томонидан учинчи шахсга вақтинча эгалик қилиш ёки фойдаланишга бериб қўйилган мол-мулк гарови уни гаровга қўювчида қолдириладиган гаров ҳисобланади.

31-модда. Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга олувчининг ҳуқуқлари

Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда, башарти шартномада ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчи:

а) гаров нарсасининг мавжудлиги, миқдори, ҳолати ва сақланиш шароитларини ҳужжатлар бўйича ва амалий жиҳатдан текширишга;

б) гаровга қўювчидан гаров нарсаси сақланиши учун зарур чоралар кўришни талаб қилишга;

в) гаров нарсасига нисбатан унинг йўқолиши ёки шикастланиши хавфини туғдирадиган тажовузлар қилишни, ким томонидан содир этилаётганидан қатъи назар, тўхтатишни талаб этишга ҳақлидир.

Агар гаров нарсаси гаровга олувчининг айби бўлмагани ҳолда йўқолган ва гаровга қўювчи уни тикламаган ёки гаровга олувчининг розилиги билан қиймати тенг бошқа мол-мулкка алмаштирмаган бўлса, гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбурият муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

32-модда. Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга қўювчининг ҳуқуқлари

Агар шартномада ёки қонунда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга қўювчи:

а) гаров нарсасига унинг белгиланган мақсадига мувофиқ равишда эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга;

б) гаров нарсасини гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарзни сотиб олувчига ўтказган ҳолда олиб қўйиш ёхуд ижарага бериш йўли билан тасарруф этишга ҳақлидир.

33-модда. Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга қўювчининг мажбуриятлари

Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда, агар шартномада ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчи:

а) гаров нарсасини ўз ҳисобидан унинг тўлиқ қийматига суғурта қилдириши;

б) гаров нарсасининг сақланиши юзасидан, хусусан асосли ва жорий таъмирлашни қўшган ҳолда, чоралар кўриши;

в) гаров нарсасини ижарага берганлик тўғрисида гаровга олувчини хабардор қилиши шарт.

34-модда. Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга қўювчи томонидан мажбуриятлар бузилишининг оқибатлари

Гаровга қўювчи ушбу Қонун 33-моддасининг «а», ва «б» бандларида назарда тутилган мажбуриятларни бузган тақдирда гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати бошлангунга қадар ундиришни гаров нарсасига қаратишга ҳақлидир.

II БОБ. ИПОТЕКА

35-модда. Ипотека тушунчаси

Гаров нарсаси гаровга қўювчида ёки учинчи шахсда қоладиган кўчмас мулк гарови ипотека деб эътироф қилинади.

36-модда. Ипотека нарсаси

1. Ер билан боғлиқ мол-мулк — иморат, иншоот, кўп квартирали уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, қонунлар билан кўчмас мулк сирасига киритилган бошқа мол-мулк, шунингдек транспорт воситалари ипотека нарсаси бўлиши мумкин.

2. Агар ипотека тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса, кўчмас мулкдан хўжаликда ва ўзга тарзда фойдаланиш натижалари, шу жумладан маҳсулот, самара ва бошқа даромадлар гаровнинг мустақил нарсаси бўлиши мумкин.

37-модда. Ипотека тўғрисидаги шартноманинг шакли ва уни рўйхатдан ўтказиш

1. Ипотека шартномаси ушбу Қоннуннинг 11-моддасида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

2. Агар шартномада назарда тутилган бўлса, нотариал идора шартномани тасдиқлаш билан бир пайтда ипотека нарсасини тасарруфидан чиқаришни тақиқлаб қўяди.

3. Ипотека билан таъминланган мажбурият мазмуни ўзгартирилган, шунингдек ипотека нарсасига бўлган мулк ҳуқуқи (тўлиқ хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқаруви) гаровга қўювчидан бошқа шахсга ўтганида қўшимча равишда рўйхатдан ўтказилади. Мазкур талабнинг бузилиши мажбуриятда амалга оширилган ўзгартишлар ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

4. Ипотека билан таъминланган мажбурият қарздор томонидан бажарилганида, гаровга олувчи гаровга қўювчининг талабига биноан ипотекани рўйхатдан ўтказган идорага рўйхат дафтарига тегишли ўзгартиришларни киритиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Гаровга олувчи мазкур талабни бажармаган ҳолларда гаровга қўювчи ундан ўзига етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

38-модда. Ипотека гарови қўювчисининг ҳуқуқлари

Агар шартномада ёки қонунда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, ипотека гарови қўювчиси:

а) ипотека нарсасига унинг белгиланган мақсадга мувофиқ равишда эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга;

б) гаровга олувчининг розилиги билан ипотека нарсаси сотилган тақдирда асосий мажбуриятни муддатидан олдин бажаришга ёхуд асосий қарзни гаров топшириғи билан биргаликда сотиб олувчига ўтказган ҳолда ипотека нарсасини сотишга;

в) ипотека нарсасини ижарага топширишга ҳақлидир.

39-модда. Ипотека гарови қўювчисининг мажбуриятлари

Агар шартномада ёки қонунда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, ипотека гарови қўювчиси:

а) асосли ва жорий таъмирлашни амалга оширишни қўшган ҳолда ипотека нарсасининг сақланиши учун зарур чораларни кўриши;

б) ипотека нарсасини суғурта қилдириши;

в) ипотека нарсаси нобуд бўлган тақдирда, қиймати нобуд бўлган нарса қийматига тенг кўчмас мулк бериши ёки муддат келишидан қатъи назар, мажбуриятни тўлиқ ҳажмда ёхуд унинг тегишли қисмини бажариши;

г) ипотека нарсасини ижарага берганлик тўғрисида гаровга олувчини хабардор қилиши шарт.

40-модда. Ипотека гарови гаровга қўювчиси томонидан мажбуриятлар бузилишининг оқибатлари

1. Гаровга қўювчи ипотека нарсасини сақлаш учун чораларни кўришга доир мажбуриятларини бузгани тақдирда, гаровга олувчи заруратга қараб, ундиришни ипотека нарсасига қаратган ҳолда ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

2. Гаровга қўювчи ипотека нарсасини суғурта қилиш бўйича мажбуриятларини бузган тақдирда гаровга олувчи асосий қарз муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга ёхуд ипотека нарсасини ўз ҳисобидан, лекин гаровга қўювчининг манфаатларини кўзлаб ундан суғурта қилдиришга кетган чиқимларни ундирган ҳолда, суғурта қилишга ҳақлидир.

3. Ушбу модданинг 1 ва 2-бандларида уқтириб ўтилган оқибатлар, ипотека нарсаси гаровга қўювчида ёки учинчи шахсда турганидан қатъи назар, бўлланади. Гаровга қўювчи бундай учинчи шахснинг хатти-ҳаракатлари учун гаровга олувчи олдида баайни ўз хатти-ҳаракатларидек жавобгар бўлади.

41-модда. Ипотека нарсасининг гаровга қўювчи томонидан бегоналаштирилиши

Ипотека нарсаси гаровга қўювчи томонидан бегоналаштирилишига фақат гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

42-модда. Иморатлар, бинолар ва иншоотлар ипотекаси хусусиятлари

Иморатлар, бинолар ёки иншоотлар ипотекасида кўрсатилган объектлар жойлашган ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам улар билан бир пайтда гаров нарсасига айланади. Бундай ҳолларда ундириш гаров нарсасига қаратилганда иморатни, бинони, иншоотни қўлга киритувчига бир йўла ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ГАРОВ ТЎҒРИСИДА

(Боши 2-бетда).

43-модда. Корхоналар ипотекаси хусусиятлари

1. Жамоа (ширкат) мулкига, шунингдек фуқароларнинг мулкига асосланган корхоналарни ипотекага бериш корхонанинг ўзи томонидан амалга оширилади.

2. Тўлиқ хўжалик тасарруфи ҳуқуқига асосланган корхоналар ипотекаси корхона мулкдорининг розилиги билан ана шу корхона томонидан амалга оширилади.

3. Агар қонунда ёки шартномада ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, корхона ипотекаси унинг барча мол-мулкини, шу жумладан асосий фондлар ва дастмоя маблағларини, шунингдек корхонанинг мустақил балансида акс этган бошқа бойликларни ўз ичига олади.

4. Гаровга қўювчи корхона гаровга олувчининг талабига биноан унга йиллик балансни тақдим этиши шарт.

5. Корхона ипотекаси билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда гаровга олувчи корхонанинг молиявий аҳволини соғломлаштириш юзасидан ипотека шартномасида назарда тутилган чора-тадбирларни кўришга, шу жумладан корхона бошқаруви таркибига ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳамда корхонанинг бошқа мол-мулкини тасарруф этиш ҳуқуқи чекланган вакиллар тайинлашга ҳақлидир.

6. Ушбу модданинг 5-бандида назарда тутилган чоралар кутилган натижани бермаган ҳолларда гаровга олувчи ундиришни ипотекада турган корхонага қаратишга ҳақлидир.

Агар шартномада ёки қонунда назарда тутилган бўлса, корхона гаровга олувчига ўтади. Бу ҳолда ипотека нарсасининг узил-кесил баҳоси корхонанинг ўтиш пайтига, гаровга қўювчи ва гаровга олувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, низо пайдо бўлганда эса суд ёки хўжалик судининг қарорига биноан белгиланади.

III БОБ. МУОМАЛАДАГИ ВА ҚАЙТА ИШЛАШДАГИ МОЛЛАРНИНГ ГАРОВИ

44-модда. Муомаладаги ва қайта ишлашдаги молларнинг гаров нарсаси

1. Хом ашё, бутловчи буюмлар, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар муомаладаги ва қайта ишлашдаги молларнинг гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Муомаладаги ва қайта ишлашдаги моллар гаровида гаров нарсаси (мол заҳиралари, хом ашё, материаллар, ярим тайёр ва тайёр маҳсулот кабилар)нинг таркиби ва натурал шаклини ўзгартиришга, уларнинг умумий қиймати гаров тўғрисидаги шартномада кўрсатилганидан кам бўлиб қолмаслиги шарти билан йўл қўйилади.

Агар шартномада ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўйилган молларнинг гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилган қисмига мутаносиб равишда уларнинг қийматини пасайтиришга йўл қўйилади.

2. Муомаладаги ва қайта ишлашдаги моллар гаровида гаровга қўювчи томонидан реализация қилинган моллар қўлга киритувчининг мулкига, тўлиқ хўжалик тасарруфига ёки бевосита бошқарувига ўтган пайтдан бошлаб гаров нарсаси бўлишдан тўхтайди, гаровга қўювчи сотиб олган, гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган моллар уларга нисбатан гаровга қўювчининг мулкий ёки тўлиқ хўжалик тасарруфи ҳуқуқи пайдо бўлган пайтдан бошлаб гаров нарсасига айланади.

45-модда. Муомаладаги ва қайта ишлашдаги моллар гарови тўғрисидаги шартнома томонларининг ҳуқуқ ва бурчлари

1. Гаровга қўювчи гаровга қўйилган молга даҳлдор юмушларни алоҳида ҳисобга олиб бориши шарт. У гаров нарсасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

2. Гаровга олувчи гаровга қўйилган молнинг миқдори, ҳолати ва қийматини, шунингдек сақлаш шароитини исталган пайтда текшириш ҳуқуқига эга.

3. Гаровга қўювчи гаров тўғрисидаги шартнома талабларини бажармаган тақдирда гаровга олувчига гаровга қўйилган молни унга беришни ёки молни гаровга қўювчининг ихтиёрида қулфланган ёки гаровга олувчининг муҳри босилган ҳолда қолдиришни, ёхуд гаров билан таъминланган қарзни муддатидан олдин ундиришни талаб қилиш ҳуқуқи берилади.

IV. БУЛИМ. ҲУҚУҚЛАР, ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР ВА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ГАРОВИ

46-модда. Ҳуқуқлар гаров нарсаси сифатида

1. Гаровга қўювчига тегишли эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқлари, шу жумладан ижарачининг ҳуқуқлари, мажбуриятлардан келиб чиқувчи бошқа ҳуқуқлар (талаблар) ва ўзга мулкий ҳуқуқлар гаров нарсаси бўлиши мумкин.

2. Гаров нарсаси бўлиши қонун билан ман қилинган ҳуқуқларни гаровга қўйишга йўл қўйилмайди.

3. Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни, шунингдек ўзга табиий ресурсларга нисбатан бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйишга қонунларда белгиланган меъёр ва шартларда рухсат этилади.

4. Муддатли ҳуқуқ унинг амал қилиш муддати тугагунга қадаргина гаров нарсаси бўлиши мумкин.

5. Гаровга қўювчи ҳуқуқлар гарови амалга оширилгани ҳақида ўз қарздорини хабардор қилиши шарт. Башарти, ҳуқуқлар гарови тўғрисидаги шартномада ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, гаровга қўювчига нисбатан қарздор ҳисобланувчи шахс гаровга олувчи мажбуриятини бажариши лозим.

47-модда. Ҳуқуқлар гаровида гаровга қўювчининг мажбуриятлари

1. Башарти, шартномада ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқлар гаровида гаровга қўювчи:

а) гаровга қўйилган ҳуқуқнинг ҳақиқийлигини таъминлаш учун зарур ҳаракатлар қилиши;

б) гаровга қўйилган ҳуқуқни бериб юбормаслиги;

в) гаровга қўйилган ҳуқуқ тўхтатилишига ёки унинг қиймати камайишига сабаб бўлувчи ҳатти-ҳаракатлар қилмаслиги;

г) гаровга қўйилган ҳуқуқни учинчи шахслар томонидан қилинадиган тажовузлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган барча чораларни кўриши;

д) гаровга олувчига гаровга қўйилган ҳуқуқда содир бўлган ўзгаришлар тўғрисидаги, унинг учинчи шахслар томонидан бузилганлиги ҳақидаги маълумотларни хабар қилиши шарт.

2. Ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган қоидалар гаровга қўювчининг ҳуқуқий ворисларига нисбатан гаровга қўйилган ҳуқуқлар доирасида қўлланилади.

48-модда. Ҳуқуқлар гаровга қўйилганда гаровга олувчининг ҳуқуқлари

Агар шартномада ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқлар гаровга қўйилганда гаровга олувчи:

а) мажбурият билан таъминланган гаров ижроси муддати бошланганидан қатъи назар, агар гаровга қўювчи ушбу Қонуннинг 47-моддаси 1-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бузган бўлса, гаровга қўйилган ҳуқуқ ўзига ўтказилишини суд орқали талаб қилишга;

б) гаровга қўйилган ҳуқуқ масаласи кўриб чиқиладиган суд ишида учинчи шахс сифатида қатнашишга;

в) гаровга қўювчи 47-модданинг 1-банди «г» бандчасида назарда тутилган мажбуриятларни бузган тақдирда, гаровга қўйилган ҳуқуқ учинчи шахслар томонидан бузилишининг олдини олиш учун мустақил равишда ҳимоя чораларини кўришга ҳақлидир.

49-модда. Қарздорнинг гаровга қўювчи олдидаги мажбуриятларини бажаришининг оқибатлари

1. Агар гаровга қўювчининг қарздори гаров билан таъминланган мажбурият гаровга қўювчи томонидан бажарилгунга қадар ўз мажбуриятини бажарса, бунда гаровга қўювчи олган барча нарсалар гаров нарсасига айланади, гаровга қўювчи бу ҳақда гаровга олувчини дарҳол хабардор қилиши шарт.

2. Агар гаров шартномасида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, гаровга қўювчи ўз қарздоридан мажбуриятни бажариш ҳисобига пул суммалари олишда гаровга олувчининг талабига кўра гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш ҳисобига тегишли суммаларни ўтказиши шарт.

50-модда. Қимматбаҳо қоғозлар ва пул маблағлари гарови

1. Қимматбаҳо қоғозлар гарови тўғрисидаги шартнома, агар қонунлар ёки томонларнинг келишувида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибда тузилади.

2. Томонларнинг келишувига биноан гаровга қўйилган қимматбаҳо қоғозлар сақлаш учун нотариал идора ёки банкка депозитга топширилиши мумкин.

3. Гаров нарсаси ҳисобланувчи қимматбаҳо қоғозлардан келадиган даромадлар, агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчига тегишли бўлади.

4. 24—26-моддаларнинг қоидалари кўрсатувчига тўланадиган қимматбаҳо қоғозлар гаровига нисбатан ҳам амал қилади.

5. Гаров нарсаси ҳисобланувчи пул маблағлари нотариал идора ёки банкнинг депозит ҳисобида сақланади. Ушбу суммага ҳисобланадиган фоизлар гаровга қўювчига тегишли бўлади.

6. Башарти, қимматбаҳо қоғозлар ёки пул маблағларининг гаровга олувчиси банк бўлса, унда гаров шартномаси нотариал йўл билан тасдиқланмайди ва махсус рўйхатдан ўтказилмайди.

V БУЛИМ. ГАРОВНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

51-модда. Гаровни давлат томонидан рўйхатга олиш

Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган корхонанинг бутунлай ёки бошқа мол-мулкнинг гаровга қўйилиши бундай рўйхатни амалга оширадиган идорада рўйхатга олиниши лозим.

Агар мол-мулк гарови давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлса, унда гаров тўғрисидаги шартнома рўйхатга олинган пайтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади.

52-модда. Гаровга қўювчи томонидан гаровларни қайдлов дафтарини юритиш

1. Юридик ёки жисмоний шахс — тадбиркор:

а) гаровларни рўйхатга олиш дафтари юритиши;

б) гаров юзага келганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай гаров ва нарсаси, шунингдек гаров билан таъминланган мажбурият ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ёзувларни дафтарга киритиши шарт.

2. Юридик ёки жисмоний шахс — тадбиркор жабрланувчига — гаровга олувчига ёки тегишлича учинчи шахсга гаровларни рўйхатга олиш дафтарига ёзувларни ўз вақтида киритмаганлик, ёзувларнинг тўлиқ эмаслиги ёки ноаниқлиги, шунингдек гаровларни рўйхатга олиш дафтарини тақдим этиш мажбуриятидан бўйин товлаш оқибатида етказилган зарарни қоплаши шарт.

53-модда. Рўйхатга олишни амалга оширувчи идоранинг мажбуриятлари

1. Гаровни рўйхатга олиш гаровга қўювчининг аризасига биноан, агар шартномада ўзга муддат кўрсатилмаган бўлса, гаров тўғрисидаги шартнома имзоланган пайтдан бошлаб 20 кундан кечиктирмай амалга оширилади.

2. Рўйхатга олишни амалга оширувчи идора қайдлов ёзувлари тўғрисида дарҳол гаровга қўювчига хабар қилиш шарт.

54-модда. Гаров тўғрисидаги рўйхатга олиш ёзувининг мазмуни

Гаров тўғрисидаги рўйхатга олиш ёзуви:

а) гаровга қўювчининг (гаровга қўювчиларнинг) ва гаровга олувчининг (гаровга олувчиларнинг) номи ва манзилини;

б) гаров тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши ва амалга кириши ёхуд қонундан келиб чиқувчи гаров юзага келиши санасини;

в) гаров билан таъминланган мажбурият миқдорини;

г) гаров нарсасининг қисқача тавсифи;

д) гаровга қўювчининг гаров нарсасига бўлган ҳуқуқлари хусусиятини ўз ичига олиши лозим.

Агар гаров нарсаси келгусида гаровга қўювчи томонидан сотиб олиниши лозим бўлса, унда уни сотиб олиш мумкин бўлган муддат кўрсатилади.

55-модда. Гаров рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳнома

Ариза берувчининг талабига биноан гаровни рўйхатдан ўтказган идора гаров билан таъминланган мажбуриятнинг миқдорини, рўйхатга олиш ёзуви қайд этилган сана ва вақтни ҳамда унинг тартиб рақамини тасдиқловчи рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома беради.

56-модда. Гаровни рўйхатга олишнинг амал қилиш муддати

1. Гаровни рўйхатга олиш 5 йил мобайнида амал қилади ва гаров билан таъминланган мажбурият бажарилгунга ёхуд бундай мажбуриятнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар навбатдаги беш йиллик муддатга узайтирилиши мумкин.

2. Агар гаровни рўйхатга олишнинг амал қилиш муддати қарздор (гаровга қўювчи) корхонани тугатиш тўғрисида судда иш қўзғаш пайтига қадар тугаса, рўйхатга олиш якунланган пайтдан бошлаб олтмиш кун мобайнида ва тугатиш учун белгиланган муддат ўтгунга қадар ўз кучини сақлаб қолади.

3. Гаровни рўйхатга олишнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза рўйхатга олишнинг беш йиллик муддати тугашига камида 6 ой қолганида жўнатилиши лозим.

4. Агар гаровнинг рўйхатга олинишини узайтириш тўғрисидаги ариза ушбу модданинг 3-бандида кўрсатилган муддат тугагунга қадар жўнатилмаган бўлса, рўйхатни амалга оширган идора рўйхатга олишнинг амал қилиш муддати туганганидан сўнг рўйхатга олиш дафтаридаги гаров тўғрисидаги ёзувни бекор қилиши лозим.

57-модда. Гаровни рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлар устидан шикоят қилиш

Манфаатдор шахс гаровни рўйхатга олишни рад этганлик ёки ғайриқонуний равишда рўйхатга олганлик устидан рўйхатга олувчи идора жойлашган ердаги судга шикоят аризаси беришга ҳақлидир.

58-модда. Манфаатдор шахсларга гаровни рўйхатга олганлик тўғрисидаги маълумотларни юбориш

1. Гаровни рўйхатга олишни амалга оширган идора тегишли юридик ёки жисмоний шахс — тадбиркорнинг мол-мулки гаровларни рўйхатга олишга доир маълумотларни манфаатдор шахсларнинг талаби билан уларга юбориши шарт.

2. Гаровларни рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотларни йўллаш билан боғлиқ хизматларга ариза берувчи томонидан ҳақ тўлаш миқдори ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси белгилайди.

59-модда. Гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш оқибатлари

Гаровни рўйхатга олишни амалга оширган идора ва гаров билан таъминланган шартнома тўлиқ ёки қисман бажарилгани тўғрисида ёхуд гаровга қўювчи эндиликда гаров нарсасининг мулкдори ҳисобланмаслиги (тўлиқ хўжалик тасарруфи, бевосита бошқаруви ҳуқуқига эга эмаслиги) тўғрисида нотариал йўл билан тасдиқланган хабарнома олса, бу идора дарҳол рўйхат дафтарига тегишли ёзувни киритиши шарт.

60-модда. Давлат божи

Гаровни рўйхатга олиш ва уни узайтириш, рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш, шунингдек рўйхат дафтаридан кўчирмалар юбориш учун давлат божи тўланади.

61-модда. Гаровни рўйхатга олишга доир мажбуриятларни бузганлик учун гаровга қўювчининг жавобгарлиги

Гаровга олувчи гаровга қўювчидан гаровни рўйхатдан ўтказишга доир белгиланган муддатларни бузганлик учун жарима ундиришга шунингдек муддатни ўтказиб юбориш оқибатида етказилган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Жарима миқдори шартнома билан белгиланади.

62-модда. Рўйхатга олишни амалга оширувчи идоранинг жавобгарлиги

Ушбу Қонунда кўрсатилган ҳаракатлар умуман ёки лозим даражада амалга оширилмаган ҳолларда асоссиз рўйхатга олган ёки рўйхатга олишни асоссиз рад этган идора ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари туфайли ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарни қоплаши шарт.

VI БУЛИМ. ГАРОВДА ТОМОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҚАФОЛАТЛАРИ

63-модда. Гаров тўғрисидаги шартноманинг ўзгармаслиги

Шартнома имзолангандан кейин қонунларда гаровга олувчининг ва (ёки) гаровга қўювчининг аҳволини ўзгартирувчи меъёрлар белгиланган ҳолларда гаров тўғрисида илгари имзоланган шартноманинг талаблари унинг бутун амал қилиш муддатида ўз кучини сақлаб қолади.

64-модда. Гаровга олувчининг ва гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини қонунда назарда тутилган асосларга биноан тўхтатишда гаровга олувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш

1. Ўзбекистон Республикаси томонидан гаров ҳуқуқини ёхуд гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тўхтатувчи қонунлар қабул қилинган тақдирда, бу ҳужжатлар қабул қилиниши натижасида гаровга олувчига етказилган зарар қиймати унга Ўзбекистон Республикаси томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади. Зарар қийматини тўлашга доир низолар суд томонидан ҳал қилинади.

2. Давлат томонидан давлат мулкига айлантириш, қийматини тўлаш шарти билан давлат ихтиёрига олиш, мусодара қилиш, хатга олиш каби мол-мулк ёки ҳуқуқларни мажбуран тортиб олиш чоралари, шунингдек ўз оқибатларига кўра шунга ўхшаш чоралар кўрилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси шу чораларни амалга ошириш натижасида гаровга олувчига етказилган зарар қийматини тўлайди.

3. Давлат идорасининг гаровга қўйилган мол-мулкни ёки гаровга қўйилган ҳуқуқларни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан гаровга қўйилган уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки дов дарахтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган мулкий ҳуқуқ тўхтатилган ёки гаровга қўйилган ҳуқуқлар тўхтатилган ҳолларда, бу қарор туфайли гаровга олувчи кўрган зарар қиймати унга тўлиқ ҳажмда тўланади. Зарар қийматини тўлашга доир низолар суд ёки хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

65-модда. Гаров ҳуқуқини бузувчи ҳужжатларнинг ҳақиқий эмаслиги

Жойлардаги давлат ҳокимияти ёки давлат бошқаруви идорасининг қонунларга номувофиқ равишда чиқарган ҳужжати натижасида гаровга олувчининг гаров нарсасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга доир ҳуқуқлари бузилган тақдирда, бундай ҳужжат гаровга олувчининг даъвосига биноан суд ёки хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин.

2. Ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган оқибатлар гаровга қўювчи гаров нарсасини хўжаликда тўлиқ тасарруф этиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолларда ҳам юзага келади.

3. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳужжатлар чиқарилиши натижасида гаровга олувчига етказилган зарар қиймати тегишли давлат ҳокимияти ёки давлат бошқаруви идораси томонидан тўлиқ ҳажмда тўланиши лозим.

VII БУЛИМ. ХАЛҚАРО МУОМАЛАДАГИ ГАРОВ

66-модда. Гаров шартномасига нисбатан қўлланиладиган қонунлар

1. Гаров шартномасидаги томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартноманинг шакли, у қаерда тузилган бўлса, шу мамлакат қонунлари билан ёки гаров тўғрисидаги шартномани тузиш чоғида томонларнинг ўзи танлаган мамлакатнинг қонунлари билан ёхуд томонларнинг ўзаро келишувига биноан белгиланади.

2. Гаров тўғрисидаги шартномага нисбатан ҳуқуқ қўллаш борасида томонлар ўртасида битим бўлмаган тақдирда гаровга қўювчи қайси мамлакатда таъсис этилган бўлса, ўз турар жойига ёки асосий фаолият жойига эга бўлса, ана шу мамлакат қонунлари ҳуқуқи қўлланади.

3. Муайян мол-мулк ёки ҳуқуқнинг гаров шартномасининг объекти бўла олиши ёки бўла олмаслиги тегишли равишда мол-мулкка мулкдорлик ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунлар билан ҳамда шу ҳуқуқ юзага келган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар билан белгилаб қўйилади.

4. Ўзбекистон Республикасида жойлашган иморатлар, бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мол-мулкнинг гарови тўғрисидаги шартнома шакли, шунингдек унга бўлган ҳуқуқлар шакли Ўзбекистон Республикасида таъсис этилган, турар жойи ёки асосий фаолият жойига эга бўлган гаровга қўювчи томонидан тузилган муомаладаги мол-мулк гарови шартномасининг шакли Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

67-модда. Гаровни рўйхатга олишда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий ваколатининг чегаралари

Ушбу Қонунга мувофиқ гаровни рўйхатга олиш мажбурий бўлган ҳолларда, агар у:

а) Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган кўчмас мол-мулк гаров нарсаси бўлса;

б) Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқ гаров нарсаси бўлса;

в) муомаладаги ва қайта ишлашдаги моллар гарови тўғрисидаги шартномада гаровга қўювчи Ўзбекистон Республикасида таъсис этилган бўлса, ўз турар жойига ёки асосий фаолият жойига эга бўлса;

г) денгиздаги қурилмалар, иншоотлар гаров нарсаси бўлса, агар улар Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахснинг ёхуд Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги ажнабий юридик шахснинг ёхуд қароргоҳи Ўзбекистон Республикасида жойлашган давлатлараро ташкилотнинг мулк ёки ижара объекти бўлса, Ўзбекистон Республикаси идоралари томонидан амалга оширилади.

2. Ажнабий давлат идоралари томонидан амалга оширилган гаров тўғрисидаги шартномани рўйхатга олиш, агар унда гаровни мажбурий тарзда рўйхатга олишнинг ушбу модданинг 1-бандида белгиланган талаблари бузилмаган бўлса, эътироф этилади.

68-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида кимошди савдосида сотиш

1. Гаров тўғрисидаги ташқи савдо шартномасида томонлар гаров тўғрисидаги шартномани имзолашда ёки кейин келишиб олиш асосида гаровга қўйилган мол мулкни Ўзбекистон Республикасидан ташқарида кимошди савдоси қилиб сотишни белгилаб қўйишга ҳақлидирлар.

2. Гаровга қўйилган мол-мулкни кимошди савдоси тарзида сотиш тартиботи кимошди савдоси қайси давлат ҳудудида ўтказилган бўлса, ана шу давлат ҳуқуқи билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида жойлашган гаровга қўйилган мол-мулк республикадан ташқарида кимошди савдосида сотилса, бунда дастлабки Ўзбекистон Республикасининг бож тўғрисидаги қонунларида кўзда тутилган талаблар бажарилмоғи керак.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ГАРОВ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

2. «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни у амалга киритилганидан кейин пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, башарти, улар ушбу Қонунга зид бўлмаса, қўлланилаверади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ушбу Қонун эълон қилинган кундан бошлаб уч ойлик муддатда:

гаров тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш билан шуғулланиш ваколати берилган бошқарув идорасини тузсин;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига «Гаров тўғрисида»ги Қонундан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши муҳокамасига тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини ушбу Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсин;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва бошқа идоралари «Гаров тўғрисида»ги Қонунга зид бўлган ўз меъёрий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

ХАЙР МИЛЛИ, САЛОМ СОКС!

КУНИ КЕЧА АҚШНИНГ 42-ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАН БИЛЛ КЛИНТОН ДАВЛАТ РАҲБАРИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШДИ.

Президентларнинг бу сафарги алмашиши шуниси билан аҳамиятлики, Америка тарихида илк маротаба ҳокимият тепасига урушдан кейинги авлод келаётир. Маъмурлар қанчалик изчил фаолият кўрсатишмасин, бу омил ички ва ташқи сиёсатга таъсир этмасдан қолмайди. Бунга Билл Клинтоннинг сайловолди дастури ёрқин мисол бўлиши мумкин. У америкаликларга бутун эътиборини мамлакат иқтисодиёти ва халқ турмуш даражасини кўтаришга қаратишга ваъда берди. Бу зарурниятни Жорж Буш ҳам англаб етган эди. Лекин унинг ташқи сиёсат билан андармон бўлиб қолганидан, Американинг «Форс кўрфазидаги миллий манфаатлари»ни ҳимоя қилишидан безиб қолган халқ янги сиёсатга эҳтиёж сеза бошлади. Бу эҳтиёжни, ҳатто, Ироқ «саҳросидаги бўрон»лар билан ҳам қондириб бўлмади.

Шароит тақозосига кўра, янги президент бошлиқ сиёсатдонлар асосий эътиборни мамлакатнинг ички муаммоларига қаратиши шубҳасиз. Мамлакатдаги барқарорлик кўп жиҳатдан қуйи табақаларнинг бундан-да қашшоқлашиб кетмаслиги, уларнинг ижтимоий муҳофазаси, қолаверса, ижтимоий адолат қай даражада эканлиги билан бевосита боғлиқ. Чунончи, бултур Лос-Анжелес шаҳрида содир бўлган ирқий тўқнашувлар ҳали бу муаммо бошқа мамлакатларда инсон ҳуқуқлари поймол этилаётганидан биринчи бўлиб «ташвишга тушадиган» Американинг ўзида ҳам тўла ҳал этилмаганидан далолат беради. Халқ фаровонлиги билан иқтисодий ўсиш ўртасидаги алоқадорлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Лекин сайловолди пойгаси авж олиб кетган бир шароитда Жорж Буш муҳолифлари томонидан мамлакат иқтисодиётига айтарлик эътибор бермаганликда айбланган ва у мавжуд иқтисодий чўкишнинг бош айбдори қилиб кўрсатилган эди. Қароргоҳи Кембриж шаҳрида жойлашган хусусий ташкилот — иқтисодий тадқиқотлар миллий бюросининг ҳисоб-китобларига қараганда, АҚШ иқтисодиётидаги чўкиш 1990 йилнинг учинчи чорагидан 1991 йил март ойигача давом этган. Бу хабар АҚШнинг ўзида жуда катта шов-шувларга сабаб бўлди. Маълум бўлишича, умуммиллий маҳсулот ўртача 2 фоиз суръат билан ошиб бораётган экан. Агар бу маълумот сайловлардан олдин эълон қилинганида, унинг натижалари сал бошқача бўлиши турган гап эди. Бироқ дунё ҳам АҚШдаги каби «совуқ уруш» тугаб, «янгича тафаккур» СССРни парчалаб бўлгач, янги сиёсатга маҳтал бўлиб қолди. Вақт дунёда рўй бераётган воқеаларни Бушча тушуниш ва «ҳазм қилиш» андозаси бир оз эскириб қолганини кўрсатди. Сайловолди курашида Ж. Бушнинг Б. Клинтонга нисбатан, ташқи сиёсатни Арканзас штати губернаторидан кўра менинг итим Милли яхшироқ тушунади, каби истеҳзоси ўзига тарсаки бўлиб қайтди. Боз устига, урушдан кейинги авлод янги воқеликни «боболари»дан кўра яхшироқ англаётгани маълум бўлди. Мамлакат вице-президенти этиб сайланган Альберт Гор ҳам Ж. Буш пичингидан қуруқ қолмаган эди. Президент уни экологик муаммоларни ҳал этишга мойиллиги учун «Озон» деб атайди. Жавоб ҳам шунга яраша бўлади; «Фалончи заҳар-заққум» бўлиб юргандан кўра, «Озон» бўлган ҳам яхши-да, «Лекин бу Америкада ташқи сиёсат бобида, ҳеч бўлмаганда «кичик бир инқилоб» қилинади, дегани эмас. Тўғри, кейинги йилларда рўй берган жўғрофий-сиёсий ўзгаришларга бўлган муносабат Ж. Буш маъмурияти тутган мавқедан бошқача бўлиши турган гап. Бироқ Америка, Ж. Буш таъбири билан айтганда, барча соҳалар бўйича дунёда биринчи бўлиб қолаверади. Маъмурият алмашгани билан мамлакатнинг «Форс кўрфазидаги манфаатлари» авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаверади. Б. Клинтоннинг президент этиб сайланишини американликлардан ҳам кўра Саддам Ҳусайн кўпроқ байрам қилганида Американинг Ироққа нисбатан олиб бораётган сиёсати яхшилик томонга ўзгаришидан умидворлик бор эди. Ҳозирча бу умидворлик ўзини оқлайдими, йўқми, бир нарса дейиш қийин. Аммо Ж. Бушнинг яна бир марта Саддам Ҳусайннинг таНобини тортиб қўйиш тўғрисидаги пўписасига янги президент Билл Клинтон ҳам хайрихоҳлик билдиргани аниқ. Боз устига, «Оқ уй»нинг бўлажак эгаси АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг Ироқ жанубидаги ҳарбий базаларни ер билан яксон қилишини қўллаб-қувватлади ҳам.

АҚШнинг янги мустақил давлатларга нисбатан мавқеи ўзгариши мумкинлигидан ташвишга тушаётган кишилар бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодий таназзул ботқоғидан чиқиб олишлари учун океан ортида ваъда қилинган моддий ёрдамни ололмай қолишдан чўчишмоқда. Иқтисодий ислоҳотлар тақдири ана шу моддий ва технологик ёрдам билан боғланяпти. Бундан ташқари, саноат ривожланган илғор Ғарб давлатларида ҳам АҚШда таркиб топажак янги сиёсатга тайёр туриш учун ҳозирлик кўрила бошланди. Чунки олиб борилган барча социологик тадқиқотлар натижаси, америкаликларнинг аксарияти янги сиёсат ва ҳозирги дунё воқелигини қайта мушоҳада қилиш тарафдори эканини кўрсатди. Б. Клинтоннинг президент этиб сайланишига сабаб бўлган асосий омил ҳам аслида шудир.

АҚШда яхши бир анъана бор. Янги президент сайлаётган халқ номзоднинг насл-насаби, туриш-турмуши, инсоний фазилати ва раҳбарлик лаёқатидан ташқари, унинг жониворларга бўлган муносабатига ҳам алоҳида эътибор қилади. Ж. Буш Оқ уйдан бугун-эрта Милли лақабли ити билан бирга кўчиб кетади. Янги хўжайин эса у ерга Сокс лақабли мушуги билан кириб келади.

Фахриддин НИЗОМ.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ГАРОВ ТЎҒРИСИДА

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Гаров тушунчаси

1. Гаров мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларидан бири ҳисобланади.

2. Гаров туфайли кредитор (гаровга олувчи) қарздор мажбуриятларни бажармаган тақдирда гаровга қўювчи гаровга қўйган мол-мулк қийматидан таъминланиш ҳуқуқига эгадир.

3. Қонун бўйича ҳақиқий бўлмаган ҳар қандай мажбуриятнинг: заём (банк берадиган қарз, ижара, олди-сотди, юкларни ташиш ва ҳуқуқнинг ҳар қандай субъектлари (жисмоний ва юридик шахслар, давлат) ўртасидаги бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши гаров билан таъминланиши мумкин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг гаров тўғрисидаги қонунлари

1. Гаров тўғрисидаги асосий қоидалар ушбу Қонун билан белгилаб қўйилади.

2. Қорақалпоғистон Республикасида гаров билан боғлиқ муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

3. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида гаров тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

3-модда. Гаровнинг юзага келиш сабаблари

1. Гаров шартнома ёки қонун ҳужжатлари туфайли юзага келади.

2. Гаровнинг юзага келишини назарда тутувчи қонун ҳужжатида қандай мажбурият туфайли ва айнан қайси мол-мулк гаровда турган деб эътироф этилиши лозимлиги қайд қилинган бўлиши лозим.

4-модда. Гаров нарсаси

1. Ашёлар, қимматбаҳо қоғозлар, пул маблағлари, бошқа мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлар гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Шахсий хусусиятга эга бўлган талаблар, шунингдек гаровга қўйилиши қонун билан тақиқлаб қўйилган бошқа талаблар гаров нарсаси бўлиши мумкин эмас.

2. Гаров ҳуқуқи келгусида гаровга қўювчининг эгалигига (тўлиқ хўжалик тасарруфига ёки бевосита бошқарувига)ўтадиган мол-мулкка нисбатан шартнома билан татбиқ этилиши мумкин.

3. Башарти, шартномада ёки қонунларда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мол-мулкка нисбатан гаров ҳуқуқи мол-мулкнинг ашёларини ҳам, таркибий самарасини ҳам ўз ичига олади. Мол-мулкка нисбатан гаров ҳуқуқи шартномада ёки қонунларда назарда тутилган ҳолларда, доирада ва тартибда ажратиб бўладиган самарани, бўлғуси ҳосилни, чорва моллар наслини, буюм келтирадиган даромадларни ўз ичига олиши мумкин.

4. Тарихий, маданий ёки ўзга қиммати туфайли ёҳуд давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан гаров қўлланилиши мумкин бўлмаган объектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади.

5-модда. Гаров билан таъминланадиган талаблар

1. Башарти, шартномада ёки қонунларда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, гаров ҳақиқатда қондириш пайтида бўлган ҳажмдаги талабни қондиради, фоизлар, ижрони кечиктириб юбориш оқибатида етказилган зарарларни қоплаш, неустойкани (жаримани, пеняни), жарималарни тўлаш, гаровга қўйилган мол-мулкни сақлаб туришга кетадиган зарур чиқимлар, шунингдек ундириб олиш билан боғлиқ сарф-ҳаражатларни қоплаш шулар жумласига киради.

2. Гаров келгусида пайдо бўлувчи талабларга нисбатан ҳам, башарти, томонлар бундай талабларнинг гаров билан таъминланиш миқдори тўғрисида келишиб олсалар, белгиланиши мумкин.

6-модда. Умумий мулк бўлган мол-мулкни гаровга қўйиш

1. Ўртадаги умумий мол-мулк фақат барча мулкдорларнинг розилиги билан гаровга қўйилиши мумкин.

2. Мулкдорнинг умумий ҳиссабай мулкдаги ўз улушини гаровга қўйиши қолган мулк эгаларининг розилик беришини талаб қилмайди.

7-модда. Гаров нарсасининг тасодифан нобуд бўлиш хавфи

Башарти, шартномада ёки қонунларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўйилган мол-мулкнинг эгаси (тўлиқ хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқарув ҳуқуқи субъекти) нарса тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан ишдан чиқиши хавфини ўз зиммасига олади.

8-модда. Гаровга қўювчи ва гаровга олувчи

1. Юридик ёки жисмоний шахслар гаровга қўювчи ёки гаровга олувчи бўлишлари мумкин.

2. Қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс (мулкий кафил) ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Гаровга қўювчи гаровга берилаётган мол-мулкка эгалик (тўлиқ хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқарув) ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Мол-мулк тўлиқ хўжалик тасарруфи ҳуқуқи билан биркитиб қўйилган корхона шу мол-мулк эгасининг ёки у ваколат берган идоранинг розилиги билан умуман корхонанинг, мулкий мажмуалар сифатида унинг тузилмалари ва бўлинмаларининг, шунингдек алоҳида бинолар ва иншоотларнинг гаровини амалга оширади.

Ўзига биркитиб қўйилган мол-мулкни бевосита идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган муассаса (ташкилот) ўзига рухсат этилган хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар ҳисобига орттирилган ашёлар ёки ҳуқуқларни гаровга беришга ҳақлидир.

Эгалик ҳуқуқининг кейинги субъектга ўтиши тўлиқ хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқаруви остидаги мол-мулк гаровига даҳл қилмайди.

3. Ҳуқуқларни гаровга қўйишда шу ҳуқуқларга эга бўлган шахс гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Бир нечта шахсга биргаликда тегишли бўлган ҳуқуқ унинг барча эгаларининг розилиги билангина гаровга қўйилиши мумкин.

Ижарачи ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ижарага берувчининг розилигисиз ўзининг ижарага оид ҳуқуқларини гаровга ўтказишга ҳақлидир.

4. Бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар, қонунларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга доир муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан айни бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар ҳамда айни бир хил мажбуриятларга эга бўладилар.

9-модда. Гаров нарсасини суғурта қилиш

1. Қонун ва шартнома гаровга олувчининг зиммасига унинг тасарруфига берилган гаровдаги мол-мулкни суғурта қилиш мажбуриятини юклаши мумкин, агар ушбу мол-мулк унинг эгаси томонидан суғурталанмаган бўлса.

Гаровга қўювчининг фойдаланишда қоладиган гаровдаги мол-мулкни суғурта қилиш унинг ўзига юкланади.

2. Шартнома ёки қонунлар билан гаровга қўювчи зиммасига давлат идоралари томонидан унинг хўжалик фаолиятини тўхтатиб қўювчи ёҳуд унга ҳалақит қилувчи ёки унга салбий таъсир этувчи хатти-ҳаракатлар содир этилиши ва ҳужжатлар қабул қилиниши (мол-мулкни мусодара, риквизиция қилиш), шунингдек тугатилиши ёки хўжалик субъекти тўлов қобилиятини йўқотган деб эътироф этилиши ҳолларидан суғурта қилиш мажбурияти юкланиши мумкин.

3. Гаровдаги мол-мулкни суғурта қилишда гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбурият суммасигача бўлган суғурта пули суммасини олувчи деб кўрсатилади. Гаровга қўювчи суғурта пулининг қолдиқ суммасини олади.

Суғурта ҳоллари содир бўлганида гаровга олувчи ўз талаблари суғурта пули суммасидан имтиёзли қондирилиши ҳуқуқига эга бўлади.

10-модда. Гаров шартномасининг мазмуни

Гаров шартномасида томонларнинг номи, жойлашган манзили (истиқомат жойи), гаров тури, гаров билан таъминланган талабнинг моҳияти, унинг миқдори, мажбуриятни ижро этиш муддатлари, гаровдаги мол-мулкнинг рўйхати, қиймати ва турган жойи, шунингдек томонларнинг келишувига эришилган бошқа маълумотлар кўрсатилган бўлиши зарур.

11-модда. Гаров шартномасининг шакли

1. Гаров шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда гаров шартномаси нотариал йўл билан тасдиқланиши ва шундай рўйхатни юритувчи давлат идорасида қайд этилиши зарур.

2. Кўчмас мулк ва унга бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш шартномалари, шунингдек муомаладаги ва қайта ишловдаги молларни гаровга қўйиш нотариал йўл билан албатта тасдиқланиши ҳамда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Қонунларда гаров шартномаларини нотариал йўл билан тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишнинг бошқа ҳоллари назарда тутилиши мумкин.

3. Башарти, шартномада назарда тутилган бўлса, нотариал идора гаров тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш билан бир пайтда гаров нарсасини тасарруфдан чиқаришни тақиқлаб қўяди.

4. Гаров шарти, гаров билан таъминланган мажбурият юзага келувчи шартномага киритилиши мумкин. Бундай шартнома ушбу Қонунда белгиланган тартибда нотариал йўл билан тасдиқланиши ва рўйҳатдан ўтказилиши лозим.

5. Гаров тўғрисидаги шартнома шаклига, уни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартибига риоя этилмаган ҳолларда шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

12-модда. Гаровнинг вужудга келиш пайти

Гаров гаров шартномаси имзоланган пайтдан эътиборан, шартнома рўйҳатдан ўтказилиши лозим бўлган ҳолларда эса, шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Агар шартномага ёки қонунларга мувофиқ гаров нарсаси гаровга олувчида туриши лозим бўлса, гаров ҳуқуқи унга гаров нарсаси берилган пайтда, агар гаров нарсаси шартнома имзолангунга қадар берилган бўлса, шартнома имзоланган пайтда вужудга келади.

13-модда. Гаров нарсаси учинчи шахсларга ўтганида гаровнинг сақланиши

Гаров нарсасига бўлган мулкий ҳуқуқ (тўлиқ хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқаруви) гаровга қўювчидан учинчи шахсга ўтган тақдирда гаров ўз кучини сақлайди.

14-модда. Навбатдаги гаровлар

1. Агар гаров шартномасида ўзга қоида назарда тутилмаган бўлса, такрорий ва кейинги гаровларга йўл қўйилади. Бу ҳолда аввалги гаровга олувчининг (аввалги гаровга олувчиларнинг) гарови ўз кучини сақлаб қолади.

2. Гаров ҳуқуқи кейинроқ вужудга келадиган гаровга олувчининг талаби аввалги гаровга олувчиларнинг талаблари тўлиқ бажо этилганидан кейин қондирилади.

3. Гаровга қўювчи ҳар бир гаровга олувчига барча аввалги ва кейинги гаровлар ҳақида, шунингдек бу гаровлар билан таъминланган мажбуриятларнинг хусусияти ва миқдори ҳақида маълум қилиши шарт. Гаровга қўювчи гаровга олувчиларидан ҳар бирида у бу мажбуриятни бажармаслиги оқибатида пайдо бўладиган зарарни қоплаши шарт.

15-модда. Кредитор талабларининг учинчи шахс томонидан қондирилиши оқибатлари

Кредитор талабларини тўлиқ ҳажмда қондирган учинчи шахсга талаб қилиш ҳуқуқини таъминлаган гаров ҳам ўтади.

16-модда. Депозитга пул ўтказиш йўли билан гаровни тўхтатиш

Гаровга олувчи гаров билан таъминланган пул мажбурияти ижросини қабул қилишдан воз кечганида тегишли пул нотариал идора ёки банкнинг депозитига ўтказилади. Депозитга ўтказилган пул қарзни тўлиқ қопласа, гаров шартномаси ўз кучини йўқотади.

17-модда. Учинчи шахс (мулкий кафил)нинг гаров хуни билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилмаслиги оқибатлари

1. Қарздор томонидан кредитор олдидаги мажбурият бажарилмаган тақдирда, қарздорнинг мажбуриятини таъминлашга гаров берган учинчи шахс (мулкий қафил) ундирувнинг гаровга қўйилган нарсага қаратилишидан сақланиш мақсадида бу мажбуриятни бажаришга ҳақлидир.

2. Ундириш гаров нарсасига уни сотиш йўли билан қаратилган тақдирда мулкий кафил қарздордан унинг қийматини ва кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

18-модда. Ундирувнинг гаровга қўйилган нарсага қаратилиши

1. Агар шартномада ёки қонунларда ундирувнинг гаровга қўйилган нарсага мажбурий қаратилишига йўл қўйилмайдиган имтиёзли муддат белгиланмаган бўлса, гаровга олувчи асосий мажбурият бўйича талаб муддати бошланган пайтда ундирувни гаровга қўйилган нарсага қаратиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Агар шартномада ёки, қонунларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бир қисмини бажарган тақдирда гаровга олувчи гаровга қўйилган бор мол-мулкка бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

Агар бир нечта ашё ёки ҳуқуқ гаров нарсаси бўлса, гаровга олувчи ана шу барча мол-мулк ҳисобига ёки ашёлар (ҳуқуқлар)дан бирортаси ҳисобига талабини қондириши мумкин, бунда кейинчалик гаров нарсасини ташкил этувчи бошқа ашёлар (ҳуқуқлар) ҳисобига талабини қондириш имконини сақлаб қолади.

19-модда. Ундирувни гаровга қўйилган нарсага қаратиш тартиби

1. Агар қонунда ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда кредитор талабини гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан қондириш суд, хўжалик суди ёки холислар судининг қарорига биноан амалга оширилади.

Қонунларда назарда тутилган ҳолларда ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш нотариуснинг ижро этиш ёзуви асосида муқаррар тартибда амалга оширилади.

Агар қонун ҳужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаров нарсасини сотиш суд ижрочиси томонидан суд берган ижро варақаси ёҳуд хўжалик судининг буйруғи ёки нотариуснинг ижро этиш ёзуви асосида қонунларда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Гаров нарсасини сотиш кимошди савдоси (очиқ савдода) ёки воситачилик дўконлари орқали амалга оширилади.

2. Ундирув гаровга қўйилган нарсага қаратилганда гаровга олувчининг талаби бошқа кредиторларга нисбатан имтиёзли тарзда қондирилади, Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

3. Агар гаров нарсасини сотишдан тушган пул гаров олувчининг талабларини қоплашга камлик қилса, шартномада ёки қонунларда ўзгача қоидалар йўқ бўлган тақдирда етишмаётган пулни гаров олувчи қарздорнинг бошқа мол-мулкидан қонунларда назарда тутилган навбат билан олиш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Агар гаров нарсасини сотишдан тушган пул кредиторнинг гаров билан таъминланган мажбурият бўйича талаблари миқдоридан ортиқ бўлса, кредитор бир ойлик муддат ичида қарздорга фарқни тўлаши шарт.

20-модда. Гаров нарсасининг гаровга олувчи томонидан мустақил равишда сотилиши

1. Гаровга олувчи гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган ҳолларда гаровда турган мол-мулкни мустақил равишда сотишга ҳақлидир.

2. Гаровга қўювчи мол-мулкни қасддан арзон баҳода сотганлиги учун жавоб бериши тўғрисида гаровга олувчи олдига талаб қўйишга ҳақлидир. Гаров нарсасини воситачилик асосида, бозорда ёки кимошди савдосида сотиш гаровга олувчининг арзон баҳода сотганликда айби йўқлигининг шартидир.

21-модда. Амалга ошмаган кимошди савдоси (очиқ савдо) оқибатлари

1. Агар кимошди савдоси (очиқ савдо) амалга ошмаган деб эълон қилинган бўлса, гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулкни ушбу Қонуннинг 19-моддасида назарда тутилган оқибатлар билан дастлабки баҳосида ўзида қолдиришга ҳақлидир.

2. Кимошди савдоси (очиқ савдо) амалга ошмаган деб эълон қилиниши оқибатида гаровга олувчи гаров нарсасини ўзида қолдирган ҳолларда, у қонунларга мувофиқ ўз талабларига нисбатан устунликка эга бўлган даъволарни қондириши шарт. Бундай ҳолларда гаровга олувчининг жавобгарлиги бу мол-мулкнинг кимошди савдоси (очиқ савдо) учун белгиланган дастлабки баҳосидан ошмаслиги лозим.

22-модда. Гаров ҳуқуқини тўхтатиш

Гаров ҳуқуқи:

а) гаров билан таъминланган мажбурият ижро этилганда;

б) гаровга қўйилган мол-мулк нобуд бўлганда;

в) гаров нарсасига бўлган ҳуқуқ гаровга олувчига ўтганида;

г) гаровга қўйилган мол-мулк мажбуран сотилганда;

д) даъво муддати ўтиб кетганлиги оқибатида гаров билан таъминланган мажбурият бўйича кредиторнинг ўз талаблари қаноатлантирилиши мумкин бўлмаганда;

е) гаров нарсасини ташкил этувчи ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганда;

ж) Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатилади.

23-модда. Юридик шахс — гаровга қўювчининг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши оқибатлари

Юридик шахс — гаровга қўювчи қайта ташкил этилган ёки тугатилганда гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати бошланишидан қатъи назар, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш ҳуқуқига эга бўлади.

II БЎЛИМ. ГАРОВГА ҚЎЙИЛГАН МОЛ-МУЛКНИ ГАРОВГА ОЛУВЧИГА БЕРИБ ҚЎЙИЛАДИГАН ГАРОВ (ЗАКАЛАТ)

24-модда. Закалат тушунчаси

1. Закалат — кўчар мол-мулкнинг гаровидир, бунда гаров нарсасини ташкил этувчи ашё гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчи ихтиёрига берилади.

2. Кредиторнинг гаровга қўювчи билан келишувига биноан гаров нарсаси гаровга қўювчи ихтиёрида қулфланган ва гаровга олувчининг муҳри босилган ҳолда (ишончли гаров) қолдирилиши мумкин. Алоҳида белгиланган ашё гаров тўғрисида далолат берувчи белгилар қўйилган ҳолда гаровга қўювчи ихтиёрида қолдирилиши мумкин.

25-модда. Закалат қўйилганда гаровга олувчининг ҳуқуқлари

1. Гаровга олувчи гаров нарсасидан шартномада ёки қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина фойдаланиш ҳуқуқига эга. У гаров нарсасидан фойдаланишда эга бўлган мулкий фойда биринчи навбатда ашёни сақлаш билан боғлиқ чиқимларни қоплашга сарфланади ёки гаров билан таъминланган мажбурият фоизларини ёҳуд мажбуриятнинг ўзини узиш ҳисобига ўтказилади.

2. Гаровга олувчи мажбурият тўлиқ бажарилгунга қадар ашёни ушлаб туришга ҳақлидир.

3. Гаровга олувчининг айби бўлмагани ҳолда гаров нарсаси нобуд бўлиши, шикастланиши ёки қиммати пасайиши хавфи пайдо бўлган тақдирда, у бундай нарсани алмаштиришни талаб қилишга, қарздор бу талабни бажаришни рад этган тақдирда эса ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка муддатидан илгари қаратишга ҳақлидир. Тушган пул, агар шартномада ёки қонунларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, нотариал идора ёки банк депозитига қўйилади ва гаров нарсаси бўлиб хизмат қилади.

4. Агар гаров билан таъминланган талаб бажарилиши оқибатида гаров тўхтатилса, гаровга олувчида турган гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчига қайтариб берилиши ёки унинг кўрсатмасига биноан гаров ҳуқуқи пайдо бўлиши вақтига кўра кейинги гаровга олувчига берилиши лозим.

26-модда. Закалат қўйилганда гаровга олувчининг мажбуриятлари

Агар шартномада ёки қонунда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчи:

а) закалат нарсасини ёки шартномада назарда тутилган нарсани сақлаб қолиш учун зарур чораларни кўриши;

б) шартномада назарда тутилган ҳолларда гаровга қўювчининг манфаатларини кўзлаб гаровга қўйилган ашёдан даромад чиқариб олиши;

в) гаров нарсасининг нобуд бўлиши ёки шикастланиши хавфи пайдо бўлганида зудлик билан гаровга қўювчига хабар қилиши;

г) қарздор ёки учинчи шахс мажбуриятни бажарганидан кейин гаров нарсасини дарҳол қайтариб бериши;

д) ашёга — гаров нарсасига эгалик қилиш билан боғлиқ солиқлар ва йиғимларни гаровга қўювчи ҳисобидан тўлаши шарт.

27-модда. Закалат билан таъминланган мажбуриятни муддатидан олдин бажариш имконияти

Агар гаровга олувчи закалат нарсасини лозим даражада сақламаётган ёки ундан фойдаланмаётган бўлса, гаровга қўювчи исталган пайтда гаровни тўхтатишни талаб қилишга ёҳуд закалат билан таъминланган мажбуриятни муддатидан олдин бажаришга ҳақлидир.

28-модда. Гаровга олувчининг гаров нарсаси йўқолгани, етишмаслиги ёки шикастлангани учун жавобгарлиги

1. Гаровга олувчи, агар йўқотиш, камомад ёки шикастланиш унинг айби бўлмагани ҳолда содир бўлганини исботлай олмаса, гаров нарсасининг йўқолгани, етишмаслиги ёки шикастлангани учун жавоб беради.

Агар гаровхона ёки мол-мулк закалати учун қарз бериш фаолият соҳаси ҳисобланувчи бошқа ташкилот гаровга олувчи бўлса, гаровга олувчи гаров нарсасининг йўқолиши, камомади ёки шикастланиши бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар таъсиридан, қасд қилиш ёки гаровга қўювчининг ўта эҳтиётсизлиги оқибатида содир бўлганини исботлаган тақдирдагина жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

2. Гаровга олувчи закалат чоғида закалат нарсаси йўқолгани ва камомади учун йўқолган (етишмаган) нарсанинг қиймати миқдорида, закалат нарсаси шикастлангани учун эса қўйилган ашёнинг қиймати қанчага пасайган бўлса, шунча сумма миқдорида жавобгар бўлади. Агар ашёни закалатга қабул қилиб олишда закалат нарсаси баҳоланган бўлса, гаровга олувчининг жавобгарлиги кўрсатилган баҳодан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Гаровга олувчи закалат нарсаси йўқолгани, камомади ёки шикастланиши туфайли кўрилган зарарни, агар бу қонунларда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, гаровга қўювчига тўлиқ ҳажмда қоплаши шарт.

29-модда. Мол-мулкни гаровхонада ва гаровхона юмушларини амалга оширувчи ташкилотларда закалатга қўйиш

1. Мол-мулкни гаровхонада ёки фуқароларга гаров эвазига пул қарз бериш хўжалик (тадбиркорлик) фаолияти тури ҳисобланувчи ўзга корхона (ташкилот)да гаровга қўйиш шартномаси икки томон имзолайдиган эгасининг номи ёзилган гаров гувоҳномасини бериш йўли билан расмийлаштирилади ва мажбурий рўйхатдан ўтказилмайди.

2. Гаровхона (гаровхона юмушларини амалга оширувчи ўзга корхона) гаровга олинган мол-мулкни гаровга қўювчи ҳисобидан мол-мулкни гаровга қабул қилиб олишда қўйилган баҳода суғурта қилиши шарт.

3. Гаров билан таъминланган қарз ўз муддатида узилмаган тақдирда, гаровхона (ўзга корхона) имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин бу мол-мулкни воситачилик дўкони орқали ҳақиқий қиймати бўйича, лекин белгиланганидан кам бўлмаган баҳода сотишга ҳақлидир. Тушган пулнинг қарзлар ва бошқа чиқимлар қопланганидан кейин (5-модданинг 1-банди) қолган қисми гаровга қўювчига қайтарилади.

III БЎЛИМ. МОЛ-МУЛК ГАРОВГА ҚЎЮВЧИДА ҚОЛДИРИЛАДИГАН ГАРОВ

1 БОБ. УМУМИЙ МАСАЛАЛАР

30-модда. Гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаров нарсаси

1. Корхоналар, бинолар, иншоотлар, квартиралар, транспорт воситалари ва ушбу Қонуннинг 4-моддасида уқтириб ўтилган бошқа мол-мулк гаровга қўйилган мол-мулкни гаровга қўювчида қолдириладиган гаров нарсаси бўлиши мумкин.

2. Бўлакларга ажраладиган самара, агар у ажралиш чоғидан бошлаб учинчи шахс ҳуқуқлари объектига айланмаган тақдирда, ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган гаров нарсаси бўлиши мумкин.

3. Гаровга қўювчи томонидан учинчи шахсга вақтинча эгалик қилиш ёки фойдаланишга бериб қўйилган мол-мулк гарови уни гаровга қўювчида қолдириладиган гаров ҳисобланади.

31-модда. Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга олувчининг ҳуқуқлари

Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда, башарти шартномада ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчи:

а) гаров нарсасининг мавжудлиги, миқдори, ҳолати ва сақланиш шароитларини ҳужжатлар бўйича ва амалий жиҳатдан текширишга;

б) гаровга қўювчидан гаров нарсаси сақланиши учун зарур чоралар кўришни талаб қилишга;

в) гаров нарсасига нисбатан унинг йўқолиши ёки шикастланиши хавфини туғдирадиган тажовузлар қилишни, ким томонидан содир этилаётганидан қатъи назар, тўхтатишни талаб этишга ҳақлидир.

Агар гаров нарсаси гаровга олувчининг айби бўлмагани ҳолда йўқолган ва гаровга қўювчи уни тикламаган ёки гаровга олувчининг розилиги билан қиймати тенг бошқа мол-мулкка алмаштирмаган бўлса, гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбурият муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

32-модда. Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга қўювчининг ҳуқуқлари

Агар шартномада ёки қонунда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга қўювчи:

а) гаров нарсасига унинг белгиланган мақсадига мувофиқ равишда эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга;

б) гаров нарсасини гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарзни сотиб олувчига ўтказган ҳолда олиб қўйиш ёҳуд ижарага бериш йўли билан тасарруф этишга ҳақлидир.

33-модда. Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга қўювчининг мажбуриятлари

Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда, агар шартномада ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчи:

а) гаров нарсасини ўз ҳисобидан унинг тўлиқ қийматига суғурта қилдириши;

б) гаров нарсасининг сақланиши юзасидан, хусусан асосли ва жорий таъмирлашни қўшган ҳолда, чоралар кўриши;

в) гаров нарсасини ижарага берганлик тўғрисида гаровга олувчини хабардор қилиши шарт.

34-модда. Мол-мулк гаровга қўювчида қолдириладиган гаровда гаровга қўювчи томонидан мажбуриятлар бузилишининг оқибатлари

Гаровга қўювчи ушбу Қонун 33-моддасининг «а», ва «б» бандларида назарда тутилган мажбуриятларни бузган тақдирда гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати бошлангунга қадар ундиришни гаров нарсасига қаратишга ҳақлидир.

II БОБ. ИПОТЕКА

35-модда. Ипотека тушунчаси

Гаров нарсаси гаровга қўювчида ёки учинчи шахсда қоладиган кўчмас мулк гарови ипотека деб эътироф қилинади.

36-модда. Ипотека нарсаси

1. Ер билан боғлиқ мол-мулк — иморат, иншоот, кўп квартирали уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, қонунлар билан кўчмас мулк сирасига киритилган бошқа мол-мулк, шунингдек транспорт воситалари ипотека нарсаси бўлиши мумкин.

2. Агар ипотека тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса, кўчмас мулкдан хўжаликда ва ўзга тарзда фойдаланиш натижалари, шу жумладан маҳсулот, самара ва бошқа даромадлар гаровнинг мустақил нарсаси бўлиши мумкин.

37-модда. Ипотека тўғрисидаги шартноманинг шакли ва уни рўйхатдан ўтказиш

1. Ипотека шартномаси ушбу Қоннуннинг 11-моддасида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

2. Агар шартномада назарда тутилган бўлса, нотариал идора шартномани тасдиқлаш билан бир пайтда ипотека нарсасини тасарруфидан чиқаришни тақиқлаб қўяди.

3. Ипотека билан таъминланган мажбурият мазмуни ўзгартирилган, шунингдек ипотека нарсасига бўлган мулк ҳуқуқи (тўлиқ хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошқаруви) гаровга қўювчидан бошқа шахсга ўтганида қўшимча равишда рўйхатдан ўтказилади. Мазкур талабнинг бузилиши мажбуриятда амалга оширилган ўзгартишлар ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

4. Ипотека билан таъминланган мажбурият қарздор томонидан бажарилганида, гаровга олувчи гаровга қўювчининг талабига биноан ипотекани рўйхатдан ўтказган идорага рўйхат дафтарига тегишли ўзгартиришларни киритиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Гаровга олувчи мазкур талабни бажармаган ҳолларда гаровга қўювчи ундан ўзига етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

38-модда. Ипотека гарови қўювчисининг ҳуқуқлари

Агар шартномада ёки қонунда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, ипотека гарови қўювчиси:

а) ипотека нарсасига унинг белгиланган мақсадга мувофиқ равишда эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга;

б) гаровга олувчининг розилиги билан ипотека нарсаси сотилган тақдирда асосий мажбуриятни муддатидан олдин бажаришга ёҳуд асосий қарзни гаров топшириғи билан биргаликда сотиб олувчига ўтказган ҳолда ипотека нарсасини сотишга;

в) ипотека нарсасини ижарага топширишга ҳақлидир.

39-модда. Ипотека гарови қўювчисининг мажбуриятлари

Агар шартномада ёки қонунда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, ипотека гарови қўювчиси:

а) асосли ва жорий таъмирлашни амалга оширишни қўшган ҳолда ипотека нарсасининг сақланиши учун зарур чораларни кўриши;

б) ипотека нарсасини суғурта қилдириши;

в) ипотека нарсаси нобуд бўлган тақдирда, қиймати нобуд бўлган нарса қийматига тенг кўчмас мулк бериши ёки муддат келишидан қатъи назар, мажбуриятни тўлиқ ҳажмда ёҳуд унинг тегишли қисмини бажариши;

г) ипотека нарсасини ижарага берганлик тўғрисида гаровга олувчини хабардор қилиши шарт.

40-модда. Ипотека гарови гаровга қўювчиси томонидан мажбуриятлар бузилишининг оқибатлари

1. Гаровга қўювчи ипотека нарсасини сақлаш учун чораларни кўришга доир мажбуриятларини бузгани тақдирда, гаровга олувчи заруратга қараб, ундиришни ипотека нарсасига қаратган ҳолда ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

2. Гаровга қўювчи ипотека нарсасини суғурта қилиш бўйича мажбуриятларини бузган тақдирда гаровга олувчи асосий қарз муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга ёҳуд ипотека нарсасини ўз ҳисобидан, лекин гаровга қўювчининг манфаатларини кўзлаб ундан суғурта қилдиришга кетган чиқимларни ундирган ҳолда, суғурта қилишга ҳақлидир.

3. Ушбу модданинг 1 ва 2-бандларида уқтириб ўтилган оқибатлар, ипотека нарсаси гаровга қўювчида ёки учинчи шахсда турганидан қатъи назар, белгиланади. Гаровга қўювчи бундай учинчи шахснинг хатти-ҳаракатлари учун гаровга олувчи олдида баайни ўз хатти-ҳаракатларидек жавобгар бўлади.

41-модда. Ипотека нарсасининг гаровга қўювчи томонидан бегоналаштирилиши

Ипотека нарсаси гаровга қўювчи томонидан бегоналаштирилишига фақат гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

42-модда. Иморатлар, бинолар ва иншоотлар ипотекаси хусусиятлари

Иморатлар, бинолар ёки иншоотлар ипотекасида кўрсатилган объектлар жойлашган ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам улар билан бир пайтда гаров нарсасига айланади. Бундай ҳолларда ундириш гаров нарсасига қаратилганда иморатни, бинони, иншоотни қўлга киритувчига бир йўла ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

(Давоми 3-бетда).